САОДАТ

3
2025

1925 йилдан чиқа бошлаган

Мадинабону Маҳаммадризоева

Ўлкамизда Наврўз!

Яна баҳор келди. Яна оламда
Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт.
Мен сени қутлайман шу улуғ дамда,
Улуғ елкадошим, музаффар ҳаёт!

Ортиқали Қозоқов,
Ўзбекистон Республикаси
халқ рассоми

Эҳтиром

Зулайҳо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари –
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Баҳор яшариш ва янгиланиш айёми, ҳаётнинг бошланишидир. Қолаверса, бу фаслнинг келинчакка қиёсланиши замирида ҳам улкан маъно мужассам. Бу АЁЛ ва ОНА тимсолига ишорадир.

Бетакрор баҳорнинг илк айёми аёллар байрами арафасида юртимизда маънавий аҳамиятга эга воқеа рўй берди: дилбар ва лобар аёллар, муҳтарама опа-сингилларимизнинг 67 нафари давлатимизнинг турли даражадаги орден ва медаллари билан, билимли, истеъдодли ва салоҳиятли қизларимизнинг 28 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Шунингдек, 333 нафар опа-сингилларимиз Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг "Мўътабар аёл" кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Тақдирланган хотин-қизлар орасида олима ва тадбиркорлардан тортиб орастабонлар, темир-пўлатга ишлов бериб, нафис буюмлар ясовчи ҳунарманд аёллардан тортиб ўқитувчи ва шифокорлар ҳам борлиги ҳар бир аёлнинг меҳнати мамлакатимизда барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири эканлигини намоён этади.

Уларнинг ўз соҳасидаги ютуқлари фақат шахсий муваффақиятлар эмас, балки изланишлари, меҳнати орқали жонажон Ватанимиз тараққиётига қўшиб келаётган муносиб ҳиссаси ҳамдир.

Аёллари эъзозланган юртда баҳодирлар улғаяди, оиланинг мустаҳкамлиги юксалади, ободлик ва хотиржамлик ҳукм суради. Улар бахт ва фароғат топган давлатнинг истиқболи порлоқ, бугуни ва келажаги фаровондир.

– Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт, – деган эдилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Бу даъват ўз навбатида барча вазирлик, идора ва ташкилотлар қаторидаги бизнинг зиммамизга ҳам алоҳида масъулият юклайди. Ўз ишига виждонан ёндашиб ҳалол меҳнат қилаётган, давлат ва жамият ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажараётган, халқимиз фаровонлиги, оилалар тинчлиги учун фидойилик қилаётган хотин-қизларимиз ҳам ўз ўрнида давлатимиз раҳбарининг эътибори ва эҳтиромига муносиб кўрилаётгани юксак фахрдир.

Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир. Бу улуғвор мақсадга опа-сингилларимиз астойдил чоғланаётганини ҳис қилиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, тақдирланган барча азиз опа-сингилларимизни, зебо қизларимизни яна бир бор табриклайман. Уларнинг кўксини безаган унвону мукофотлари қадридан юксалган қалбларида элу юртга дахлдорлик ҳиссиётлари собит бўлаверсин.

Аёл, она мақомида оилага, Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси сизга ҳамиша куч-қувват бахш этсин!

Маърифатпарвар олима

Педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш борасида ўз соҳасининг жонкуярлари сафида ҳалол хизмат қилиб келмоқда.

Олима мустақилликнинг илк кунлариданоқ педагогика илмида энг долзарб бўлган миллий ва умуминсоний қадриятлар воситасида ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантириш муаммосини биринчилардан бўлиб тадқиқ этишга киришди. Тинимсиз илмий изланишлари натижасида дастлаб фан номзоди, кейин доцент, ундан кейин эса профессор илмий унвонларини олишга муяссар бўлди. Мамлакатимиз таълим тизими учун илмий-педагог кадрлар тайёрлашдаги тадқиқотлари билан ўзининг илмий мактабини яратишга муваффақ бўлган Ойниса опа айни дамда Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

Маърифатпарвар олима, кенг қамровли жамоатчиларнинг пешқадамлари сафида ўзининг намунали фазилатларини намоён этиб келаётган қаҳрамонимиз Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган бугунги паллада мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий тараққиётига қўшган улушлари муносиб баҳоланиб, ҳукуматимиз томонидан "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Илм заҳматининг юкини беминнат тортиб келаётган жонкуяр олимамизни ҳукуматимиз, халқимиз эътирофи билан самимий қутлаймиз. Ўйлаймизки, бу эҳтиром уларга янги қадамлар учун рағбат ва шижоат бахш этади.

Фарғонанинг ўктам аёли

Олтин водий Фарғонанинг чекка қишлоғида туғилиб ўсиб, бетакрор ижоди, юксак истеъдоди, фидойи устозлиги, санъатсеварлиги нафақат ўзини, балки Ёзёвон аталмиш туманини элга танитаётган дилбар ва зукко аёл Ўктамхон Солиева аёллар байрами арафасида II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси бўлди.

Айни пайтда Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида мураббий бўлиб ишлаб келаётган ижодкорнинг "Шукур қилиб яшайлик", "Садоқат", "Қуёшли юрт ҳақида достон", "Юрагимга яқинларим", "Қалб нури ёритган йўл" ва болалар учун "Опоқижон, опоқи" номли китоблари чоп этилган.

Бадиий публицистик мақолалари юртимизнинг турли матбуот нашрларида эълон қилиниши баробарида Қозоғистон, Польша, Ҳиндистон, АҚШнинг нуфузли нашрларида ҳам чоп этилган.

Салкам ярим асрлик меҳнат фаолияти давомида қаҳрамонимиз таълим соҳасида фидойилик билан келажагимиз эгаларини мустақил фикрли, кенг дунёқараш ва соғлом тафаккурли баркамол авлод қилиб тарбиялашдек шарафли жараёнга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўктамхон Солиева давлатимиз раҳбарининг қўлидан юксак мукофотни қабул қилиб олар экан, таълим соҳасидаги юксалишлар, ёш истеъдодларни кашф қилишдаги имкониятлар учун самимий миннатдорлик изҳор қилди.

Ҳаёт агар бир боғ бўлса, боғбон муаллим, дейилади бир шеърда. Ишонамизки, Ўктамхон Солиева ва унинг ҳамкасблари яратган боғлар юрт кўркига кўрк қўшиб, яшнатиб бораверади.

Садоқат – гўзал фазилат

Агар аёл оилада аҳиллик, тотувлик, осойишталик муҳитини ярата олса, албатта, у яқинлари томонидан қадрланади ва иззат топади. Агар унинг бу фазилатлари юртда, жамият миқёсида ҳам намоён бўлса, давлат ҳам уни қадрлайди, улуғлайди. Қаҳрамонимиз Сайёра Ҳайитова ана шундай аёллар сирасидан.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Яккасарой туман қўриқлаш бўлими 2-отряд 1-гуруҳ командири, лейтенант Сайёра Ҳайитовани оилада, иш жойида тинчлик ва осойишталик муҳитини ярата олган, миллат тарбиячиси бўлган аёллардан, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

Унинг меҳнатлари беиз кетмади: Қаҳрамонимиз 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра, "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланди. Ҳарбий формаси ўзига ярашиб турган ихчам жуссали, зоҳирида ички қудрат яширин Сайёра Ҳайитова учун ушбу мукофотни давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзларидан олганлиги унутилмас шодлик бўлди.

У хизмат бурчидан ташқари, ҳарбий қўриқлаш бўлимининг хотин-қизлар ва ҳарбийларнинг оила аъзолари билан ишлашга ҳам масъулдир: ҳамкасблари хонадонлари ҳаётини мунтазам ўрганади, муаммолари билан қизиқади. Ҳарбийларнинг аёллари турмуш ўртоғига ҳамфикр, маслакдош бўлиши кераклигини доим уктириб келади.

Элу юрт тинчлиги йўлида фидойилик билан хизмат қилаётган Сайёра сингари ҳарбий аёлларимиз билан фахрланамиз.

Ишонч ва масъулият

Аёл – нафис хилқат. У чексиз меҳр-муҳаббатга муносиб. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига кўра, "Шуҳрат" медали билан тақдирланганлар орасида Андижон шаҳар ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Наргиза Деҳқонова ҳам бор.

Кейинги йилларда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг интеллектуал, маънавий ва касбий юксалиши, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жойларда фидойилик билан меҳнат қилаётган Оила ва хотин-қизлар бўлими етакчиларининг бу муваффақиятларда салмоқли улуши бор.

Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи 200 мингдан зиёд хотин-қизларни бир мақсад атрофига жамлай олган, тунни – тун, кунни – кун демай ишлаш баробарида изланишдан тўхтамайдиган Наргиза меҳнатлари самарасини кўрди, десак муболаға бўлмайди. Боиси шаҳар хотин-қизлари кейинги ўн йилларда қувонарли натижаларга эришди: оилавий ажримлар камайди, мунтазам олиб борилган ҳуқуқий мавзулардаги тарғибот ишлари натижасида эса жиноятчилик ҳам сезиларли пасайди.

Наргиза Деҳқонова ўзига кўрсатилган эътибор ва ишонч учун миннатдорлик билдираркан, бу мукофот нафақат унинг, балки бутун жамоасининг меҳнатига берилган баҳо эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Билдирилган ишонч, кўрсатилган эътибор барча совриндор аёллар каби қаҳрамонимизни ҳам ўз мақсадлари йўлида янада собит, серғайрат бўлишга ундайди, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

Саҳифани Феруза Орипова тайёрлади.

Ҳаётни ҳикматга айлантириш – сабрда

– Аёл – эзгулик меҳроби, – деган эди Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов. – Аёлнинг улуғ хизматларига ҳар қандай тузум, ҳар қандай жамият доимо муҳтож.

Башарият яралибдики, тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучни, оталарнинг хизматларини инкор этмаган ҳолда айтишимиз мумкин, оналар оёққа қўйиб, оналар тарбиялайдилар. Зеро, жамиятнинг тенг ярми аёл бўлса, унинг қолган ярмини ҳам Аллоҳнинг иродаси билан аёл дунёга келтириб, бағрида ўстириб, жамиятга қўшади.

Бугун жамиятимизда яна бир эзгу куч сифатида тан олинаётган "Оқила аёллар" ҳаракати зиммасига жамиятда, унинг негизи ҳисобланмиш оилада янги маънавий макон, маърифатли она, одобли қиз қиёфасини яратиш, ёшларни қадриятлар ва анъаналарни эъзозлашга ўргатиш, фарзанд тарбиясида ота-оналар масъулиятини оширишдек олижаноб вазифалар юклатилди.

Югурик замон, интернет асри, керак-нокерак ахборотлар таъсирида айрим оилаларнинг маънавий иқлими қадриятларимиз мезонларидан маълум даражада чекинганидан кўз юмиб бўлмайди. Ёшлар, ҳатто ўрта авлод вакилларининг айримларида оиладек муқаддас даргоҳга беписанд қараш, ҳаёт-мамот иши бўлган ўғил-қиз тарбиясига бепарволик, кийиниш, юриш-туришда миллий ўзликни унутиш, дабдабабозликка берилиш ва ҳоказо салбий кўринишларда намоён бўлиб қолди.

Мана шундай бир вазиятда юқоридаги эзгу мақсадлар билан майдонга олиб чиқилган "Оқила аёллар" ҳаракати ўз олдига қўйган мақсадларига эриша оляптими? Эришаётган бўлса, самара нималарда кўринади? Шу саволлар асосида ҳаракатнинг Фарғонадаги жамоат тузилмаси фаолиятига назар ташлаймиз.

Бу жамоатчилик ҳаракатига маҳалла, туман, шаҳар, вилоят миқёсида жами 16 мингдан зиёд фаол, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ўзи ҳам, сўзи ҳам ибрат аёллар жалб этилди. Бу, албатта, жуда катта куч.

Ҳаракатнинг вилоятдаги тузилмасига давлат идораларида узоқ йиллар фаолият кўрсатган, ҳозирда ҳам "Қизил ярим ой" жамияти вилоят бўлими раҳбари, ҳар қандай инсоннинг дунёқарашини икки оғиз суҳбатдаёқ англаб, вазиятга тўғри баҳо бера оладиган Юлдузхон Раҳимова етакчилик қилади.

– Сафимизга зиммасидаги жамоат юкини виждон тарозисида тортиб, унга масъулият билан ёндашадиган Турғуной Эгамбердиева, Мастурахон Сайфуддинова, Шаҳнозахон Ғаниева, Зуҳрахон Алиева, Ўктамхон Солиева, Ҳилолахон Комилова сингари эллик нафар олима, тадбиркор, депутат, ижодкор, педагог, шифокор, ҳуқуқшунос аёллар жам бўлганки, улар гарданига олган эзгу юмушлар учун ҳамиша вақт топадилар.

Ҳар уч ойда ўтадиган таҳлилий машваратларимизда ҳаракат самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклифлар киритадилар. Мақсадимиз битта: у ҳам бўлса жамиятда маънавий макон яратиш, – дейди Юлдуз Раҳимова. – Энг аввало, намунали оилаларнинг тажрибасини оммалаштиришга эътибор қаратилмоқда. Режа асосида ўтган йил, деярли, барча туман-шаҳарларда ҳудудлардаги "Оқила аёллар" ҳаракати етакчилари ташкилотчилигида бир неча юзлаб оила аъзолари, жумладан, муаммоли оила вакиллари ҳам иштирок этган маънавий-маърифий давралар уюштирилди. "Мустаҳкам оила – мустаҳкам жамият", "Қадриятлар – мустаҳкам оила асоси", "Она кўриб, қиз ол", "Ибратли келин тарбиячиси – маърифатли она", "Либос – маънавият кўзгуси", "Менинг қайнонам энг адолатли она" ва бошқа мавзуларда уюштирилган давралар, танловлар шулар жумласидандир.

Қўштепада ташкил этилган, бевосита ўзим иштирок этган "Тарбиянинг бош мактаби – ота-она ибрати" мавзуидаги маърифий даврага униб-ўсган ибратли оила вакиллари, маҳаллалар аҳли қаторида ажрим остонасида турган эр-хотинлар ҳам таклиф этилди. Тўққиз келиннинг қайнонаси Патилахон Эргашева, кўзга кўринган тадбиркор Давлатжон Саъдуллаев ва бошқаларнинг мустаҳкам оила шаклланишида ота-онанинг ибрати, келинга, умр йўлдошига муносабат, ҳаётни ҳикматга айлантириш – сабрда, ғурбат гирдобига отиш – қаҳрда эканлиги ҳақидаги сўзлари барчага сабоқ бўлди.

Даврада ҳозир бўлган вилоят ҳокимининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комилахон Кавлонова ибратли оилаларни рағбатлантириб, "Ташаккурнома" ва эсдалик совғалари тақдим этди. Ҳа, оиласида тинчи, ҳаловати бўлган одамнинг ишида унум, ҳаётида мазмун бўлади.

Қизлар тарбияси, одоби, уларни мустақил оилага тайёрлаш, билимга интилишини қўллаб-қувватлашдек масалалар ҳам ҳаракатнинг дастурий режасида алоҳида белгиланган. Айни шу мақсадда ҳудудлардаги етакчилар, барча жонкуяр фаоллар билан вилоятнинг бир неча олийгоҳларида, шунингдек, Ёзёвон, Бағдод, Бешариқ туманлари маҳаллаларида уюштирилган суҳбатлар таъсирчанлиги билан ёдда қоларли бўлди. Вилоятда эрта турмуш кузатилмагани, олий таълим даргоҳларига кираётган қизлар сафи аввалги йилдагидан сезиларли ошгани, уларнинг китобхонлик даражаси кўтарилгани, оналарнинг қизларни оилага тайёрлашга муносабати ўзгариб бораётгани мақсад сари қўйилган қадамлар натижасидир, албатта. Бу жараёнда олий таълим муассасаларидаги "Оқила қизлар" ҳаракатининг ҳам ҳиссаси борлигини тилга олмоқ жоиз, деб ўйлайман.

Тузилма фаолиятининг яна бир асосий йўналиши оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган. Вилоят ҳокимининг тавсиясига кўра, маҳаллалардаги "Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси"га оилавий низолар бўйича келиб тушган аризалар ўрганилиб, ҳар ойнинг 26-санасида "Биз оилавий ажримга қаршимиз!" акциясини ўтказиш йўлга қўйилди. Акция доирасида ҳаракат ишчирокчилари хотин-қизлар тизимидаги ташкилотлар, шунингдек, ҳамкор давлат, нодавлат ташкилотлари вакиллари билан баҳамжиҳат уюштирилаётган суҳбатлар асносида ўтган йилнинг ўзида ажрим ёқасига келиб қолган 1742 та оила муросага келтирилди. Натижада Фарғонада ажримлар аввалги йилдагига нисбатан 800дан зиёдга камайди. Рақамлар ортида бутун бир оила, гўдаклар тақдири турганини ўйлаганингда, бу қанчалар хайрли иш эканлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Тошлоқ туманида йигирма йилдан ортиқ умргузаронлик қилиб, вояга етиб қолган икки фарзанди бор оила ажрашиш остонасида тургани, онаси ўғлини ноқонуний уйлантирмоқчи экани, тўй куни ҳам белгилаб қўйилгани ҳақида хабар келди. Ишни пайсалга солиб бўлмасди. Вилоят ҳаракати етакчиси Юлдузхон Раҳимова, маънавий-маърифий тарғибот гуруҳи раҳбари Сайёрахон Алимова, туманнинг оила ва хотин-қизлар бўлими, ҳуқуқшунос, маҳалла вакиллари ҳамкорликда хонадонга етиб бордилар. Олиб борилган чора, маърифий-ҳуқуқий профилактик суҳбат натижасида тўй тўхтатилди. Қонуний эр-хотинга ярашиб олиш учун муддат берилди. Натижада оила муросага келди, болалар тирик етимлик гирдобидан асраб қолинди. Ҳозир ушбу оила турмушини рисоладагидек давом эттирмоқда.

Тан олиш керак, низомда бир қатор имтиёзлар берилган аъзоларнинг айримлари жамоат ишига беэътиборроқ ёндашаётгани ҳам бор гап. Етакчининг айтишича, навбатдаги йиғилишда уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш, зарур бўлса, ўринларига фидойи аъзоларни киритиш режалаштириб турилибди. Ҳамма ҳам жамоат ишига шу юртнинг ОНАСИ, ОҚИЛАСИ сифатида ёндашса, натижалар бундан ҳам самаралироқ бўлишига ишончимиз комил.

Ҳадичахон КАРИМОВА,
журналист

Биринчи чизган суратим онам эди

Бўёқлар ҳиди анқиб турган, деворларида турли манзара, портрет, натюрмортлар ўрин олган хонанинг ўзига хос табиати, муҳити, ижодий кайфияти, сирли ва ажиб таровати бор. Бу ерга кирган киши борки, оламнинг турфа ранглардан иборат эканлигини, улар ҳаётимизни файзга тўлдириши баробарида, теваракнинг ўта нозик шаклу шамойилини бўёқлар билан қалбимизга олиб киришини ҳис этади.

Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли рассом Ортиқали Қозоқов ҳақида гап кетганда, дастлаб ана шу фикрлар хаёлимиздан кечди. Зотан мўйқалам соҳибининг энг оромбахш гўшаси – унинг ижодхонаси. Аммо рассом билан суҳбатимиз олис Европадаги ижодий сафари чоғига тўғри келди. Тиғиз дастурлар ичра журналимизга вақт топа олган, энг тотли ва ҳузурли хотираларини биз билан бўлишган рассомнинг фикрларини муаззам Лондон кўчаларида сайр қилгандек тингладик ва сизга-да илиндик.

Қишнинг совуқ ва туманли тунида...

– Аввал бошдан айтиб ўтай, мавзу оналар ҳақида эканлигидан хурсанд бўлдим. Чунки бу ҳақда одам боласи қанча гапирса ҳам камдек. Ҳозир ўйлаб қолдим, энг кўп чизган портретларим ҳам айнан онамнинг суратлари экан. Деярли, ҳар туғилган кунида чизганман. Йиғсам катта галерея бўлади. Сурат чизиш асносида улар билан суҳбатлашиб, онамнинг меҳрини янада чуқур ҳис қилганман, рости.

Талабалик пайтларим эди. Оила аъзоларимиз билан гаплашиб ўтирарканман, отам соғлиғимни сўради. “Шу яхшиману кўп тикка туриб расм солганимга-ми, оёғим кўп оғриб қоляпти”, дедим. Орадан бироз вақт ўтиб қарасак орамизда онам йўқ. У ёққа қарадик, бу ёққа қарадик йўқ-да. Кейин отам: “Сен бир нима демадингми, Ортиқали?” деб сўраб қолдилар. “Йўғей, шунчаки озгина оёғим оғрияпти, дегандим, холос”, дедим. Отам бўлса: "Унда маҳалладаги докторнинг уйига боринглар, онанг ҳойнаҳой ўша ерда бўлса керак", дедилар. Укаларим билан маҳалла бошидаги шифокорникига чопдик. Етиб келиб қарасак, онагинам чиндан ҳам ўша ерда. Шифокор билан менинг оёқ оғриғим ҳақида гаплашиб ўтиришибди-да. Қаранг, қишнинг совуқ ва туманли бир тунида мендан хавотир олиб дардимга шифо сўраб борибдилар. Назаримда, фақат онагина бундай фидойилик қила олади.

Тоғларнинг мафтуни бўлганман

– Болалигим Наманган вилоятининг сўлим Санг қишлоғида кечган. Табиати сўлим бу гўшанинг ҳар бир гул-гиёҳини севганман, уларнинг мафтуни бўлганман. Ҳовлимиздаги олма дарахтининг оқ-пушти гулларини соатлаб кузатганимни эслайман. Ёки ҳали ўқишни билмай туриб, қариндошларимизнинг уйидаги деворсуратларидаги нақшлар орасидан жой олган бежирим ёзувларни, уйимиздаги палак, сўзаналарни завқланиб томоша қилганларимни унутмайман.

Онамнинг айтишича, пахта териб юрганларида шийпондаги болалар каби хархаша қилмас эмишман, улар каби тупроқ ўйнаш ўрнига, узоқлардаги тоғларга қараб хаёл суриб ўтирарканман. Кейин жуда ораста-ликни яхши кўрарканман, доғ тушган кўйлакни кичкиналигимданоқ киймасмишман. Оиламдагилар рангтасвирга қизиқишимни ўз вақтида пайқашган ҳамда каминага рағбат кўрсатишган. Шунинг учун ҳар бир чизган расмимни авайлашарди. Бир куни қишлоққа борсам, укам янги уй соламан, деб мен бир пайтлар расм солган деворларни буздирмоқчи бўлиб

турган экан. Буни табиий қабул қилдиму, лекин онам: “Ўғлим шу суратларни расмга олиб қўйдирмоқчиман, ахир, булар сенинг илк суратларинг-ку!” дедилар жон куйдириб. Мана, онанинг фарзандга, унинг ишларига хайрихоҳлиги ва меҳри!

Афсонавий рассом Чингиз Аҳмаровдан мактуб келган

– 1978 йилда юрак ютиб, “Гулхан” журналига чизган расмларимни юбордим. Тахминан, бир йиллар чамаси жавоб келмаган. Энди мендан рассом чиқмас экан, деб хафа бўлиб юрганимда бир куни афсонавий рассом Чингиз Аҳмаровдан жавоб хати келган. Севинчимни тасаввур қилаверинг! Мен каби оддий мактаб ўқувчисига улкан истеъдод соҳибидан жавоб келиб турса... Хатда халқ рассоми каминага оқ йўл тилаб, ёнига мен чизган тўртта расмни илова қилган. Улардан бири онамнинг расми эди. Шундан кейин тасвирий санъатга астойдил меҳр қўйдим, тинмай расмлар сола бошладим.

Бир куни уйда ҳеч ким йўқлигида янги оқланган уйимиз деворига ўхшатиб расм солиб қўйганман. Ишга киришиб кетганимдан, энди нима бўлади, деб ўйламабман ҳам. Оқшом пайти ҳамма уйга қайтаркан, мен бурчакка яширириб уларнинг деворларга қараб, нима дейишларини кузатиб турганман. Ҳозир дадам дакки берса керак, деб турсам, мени чақириб, расмлар жуда чиройли чиққанини айтди. Шундан кейин ҳар бир ишимни қўрқмасдан бошлайверганман. Айтмоқчиманки, ота-онам мени бу йўлда доим тушунишган ва барча шароитни қилиб беришган.

“Сенинг ишинг бебаҳо, болам!”

– Инсонларнинг ижодкорни тушунишлари қандай бахт, аслида. Яна улар – яқинларинг, дўстларинг бўлса! Мен шундай бахтли инсонларданман. Боя айтганимдек, онажонимнинг расмини кўп чизаман. Буларнинг ҳар бири нафақат рассомдан, балки портрет эгасидан ҳам сабр талаб қиладиган жараёндир. Бир гал онам қаршимда 3-4 соат қолиб кетди. Лекин миқ этмаяпти. Расм солишга киришиб кетганимдан вақтни ҳам унутиб, ишимни давом эттираверибман. Бир пайт ишимни якунлаб онамга қарасам, менга қандайдир ачиниш билан қараяпти. Сабабини сўрасам, “Вой болагинамей, ишинг қанчалик машаққат эканлигини борган сари тушуниб боряпман. Шунчалик диққат билан чизасанки, бутун вужудинг кўзга, бармоқларга айландией. Сен расмларим қиммат, деб хижолат бўлма. Ишларинг аслида бебаҳо, болам!” деган. Очиғи, онамдан бундай юксак эътирофни эшитиб, бошим кўкка етган.

Мактабни тугатиб ўқишга кирдим. Фикри хаёлим асар чизиш, яхши рассом бўлишда эди. Шундай пайтлари онагинам сафар халталаримни шунақанги тартиб билан саранжомлаб берардиларки, қурт-майиз дейсизми, патирларми – дўстларим билан маза қилиб ердик. Онам мени кузатар экан: “Сенинг вақтинг йўқ, болам, барча нарсаларни тахлаб қўйдим, фақат вақтида есанг бўлди”, дердилар. Ҳозир ҳам шундай. Кап-катта одам бўлиб уйга борсам, онам уйда неки бор, илиниб турадилар. Бугун отам Турғунбой Қозоқов 92 ёшда, онам Бурузван Қозоқова эса табаррук 84 ёшдалар. Илоҳим, умрлари зиёда бўлсин.

Замондошларимиз ҳайрат чизиқларидан ўтиб кетишяпти

– Илгари одамлар оддий нарсалардан ҳайрон қолган бўлса, бугунги инсонлар ҳеч нарсадан ҳайратланмай қўйяпти, назаримда. Бир вақтлар рангли телевизорнинг чиқиши, интернетнинг ёйилиши одамларнинг ҳайратига сабабчи бўлган. Бугунги одам кузнинг келишидан, баҳорнинг гулларга кўмилишидан, деярли, завқ олмайди. Сунъий интеллектнинг вужудга келиши барча йўналишлар каби санъатга ҳам салбий таъсир қиляпти. Қалбга мусиқа, рангтасвир ва адабиётнинг таъсирини ҳеч нарса боса олмайди, аслида. Аммо бугунги замондош ҳайрат чизиқларидан беэътибор, беписанд ўтиб боряпти. Бу одамни чуқур ўйлантиради, хавотирга солади.

Журналимизни муборакбод этаман

– Аввало журнал жамоасига алоҳида ташаккуримни айтмоқчиман. Чунки неча йиллардан бери таҳририят бизнинг ижодимизга алоҳида ҳурмат билан ёндашади. Муқоваларида суратларимизни бериб боради. Ойдин Ҳожиевадек ўзбекнинг муҳтарама шоиралари билан бошланган ижодий ҳамкорлигимиз бугун ҳам узвий давом этаётганидан мамнунман.

Журналда кўтарилаётган муаммолар, хотин-қизларимиз ҳаётидаги муҳим масалалар қатори аёлларимизнинг ҳаётини ранг-баранг қилишга саҳифалар ажратаётгани, уларга илмий, маърифий жиҳатдан елкадош бўлаётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда муборак ёш қаршисида турган журналимиз жамоасига бу шарафли йўлда куч-қувват тилайман! Эътибор учун ташаккур.

Наргиза АСАДОВА суҳбатлашди.

Ишончли муҳофаза

“KAFIL-SUG‘URTA” – ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ!

Очиғини айтиш керак, яқинда ижтимоий тармоқлар орқали суғурта билан боғлиқ бир хабарни ўқиб, бироз ажабланганим боис бу мавзуга чуқурроқ киришни истадим. Гап шундаки, фуқаро М.С. бошқарувидаги “Damas” русумли автотранспорт воситаси йўл ҳаракати қоидаларини бузиши натижасида фуқаро Г.Ю. бошқарувидаги “Chery” русумли автомашина билан тўқнашиб йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган. “KAFIL-SUG‘URTA” компаниясида аввалдан расмийлаштирилган суғурта полиси асосида транспорт воситаси эгасига 24 750 000 сўм миқдорида суғурта тўлови тўлиқ амалга оширилган. Ўрганишлардан сўнг билдимки, бу суғурта полисини расмийлаштирмоқчи бўлган хотин-қизлар сони тобора ошиб бормоқда.

Мазкур хабар баҳона кейинги пайтда опа-сингилларимиз ва дугоналаримиз орасида кўпчилиги автоуловда юргани боис айни мавзу борасида уларнинг фикрлари билан ҳам қизиқиб кўрдим. Хулоса шу бўлдики, чиндан ҳам юртдошларимиз орасида “KAFIL-SUG‘URTA” компанияси суғурта полисини расмийлаштирганлар кўпайиб бормоқда. Кейинги пайтларда баъзи омиллар туфайли суғурта қилишга ҳафсаласи қолмаган инсонларнинг ишончини қозониш осон кечмаётгани аниқ. Хўш, биз сўз юритаётган компания бу хайрли ўзгаришлар рўёби учун нималарга кўпроқ эътибор қаратмоқда?

Йўқотишлардаги топиш имкони

Суғурта бу – молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилиш тизими бўлиб, хавфларни жисмоний ёки юридик шахслардан суғурта компаниясига ўтказиш орқали амалга оширилади. Ушбу тизим бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар, соғлиқ билан боғлиқ муаммолар ёки бизнесдаги йўқотишларнинг салбий таъсирини камайтиришга ёрдам беради. Афсуски, айрим ҳолатлардаги қоғозбозликлар ва сарсонгарчиликлар туфайли бундай ҳимоя тизимига бўлган ишонч сўниб бораётган эди.

– Мазкур тизим нафақат шахсий ҳимояни, балки иқтисодий тараққиёт ва барқарорликни мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшади, – дейди “Kafil-Sug‘urta” акциядорлик жамияти масъул ходими Сабрина Жалилова. – Чунки бу йўналишда фаолият юритувчи компаниялар жамғарилган мукофот пулларини инвестицияларга йўналтириш орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашади. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар учун суғурта мажбурий ёки ихтиёрий бўлиши мумкин бўлиб, бу уларнинг молиявий хавфсизлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис биз ўз фаолиятимизда суғурталанувчилар билан мулоқотда самимий бўлишга, ҳужжатлаштириш ишлари осонлик билан кечишига жиддий эътибор қаратамиз.

Асосий хавф – ўз ҳуқуқингни билмаслигинг

Бугунги кунда суғуртанинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улардан энг кўп тарқалганлари ҳаёт, соғлиқ, молмулк ва жавобгарлик суғурталаридир. Ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, аҳолининг турли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Суғурта маданияти ривожланиши учун нималарга эътибор қаратилиши зарур? Ушбу саволимизга суҳбатдошимиз шундай жавоб берди:

– Бунинг учун, аввало, юртдошларимизнинг суғурта тизимига бўлган ишончи ошиб бориши, суғурта компаниялари эса юртдошларимиз эҳтиёжларини тўғри англай олиши зарур. Асосий хавф ўз ҳуқуқингни билмаслигингдир. Демак, бир-бирини англаш тизими янада кучайиб бориши керак. Шу боис айни пайтда инновацион ёндашувлар, рақамли технологияларни кенг жорий этишга, суғурта хизматлари оммабоплигини оширишга катта эътибор қаратяпмиз. Масалан, “Kafil-Sug‘urta” акциядорлик жамияти сўнгги 8 йил ичида сезиларли ютуқларга эришди. 2017 йил ҳолатига кўра, компания суғурта бозори рейтингида 18-ўринда эди. 2023 йилга келиб

7-ўринга, 2024 йилда эса 5-ўринга чиқди.

“Ҳар эҳтимолга қарши!” – эртанинг пойдевори демакдир

Ҳар қандай бозор каби суғурта бозори ҳам ишонч ва барқарорликни талаб қилади. “KAFIL-SUG‘URTA” ўзининг 20 йиллик тажрибаси давомида айнан шундай тамойиллар асосида фаолият юритиб келмоқда.

– Компаниямиз шиори – “Ҳар эҳтимолга қарши!” – бу шунчаки сўз эмас, балки мижозларнинг ишончини қозониш, ҳар қандай хавф-хатар олдида мустаҳкам ҳимоя тақдим этиш мақсадини ифодалайди, – дейди Сабрина Жалилова. – Ҳар қандай эртасини ўйлагувчи ва тежамкор инсон рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларга тайёр туришни истайди. Шу боис биз ушбу шиорни танлаганмиз. 2004 йилдан бери “KAFIL-SUG‘URTA” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг лицензияси асосида суғуртанинг 17 та класси бўйича ихтиёрий ва мажбурий шаклларда хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда компания йирик тармоқ ва ишончли ҳамкорлик муносабатлари орқали мижозлар эҳтиёжларига мос суғурта маҳсулотларини тақдим этмоқда.

Шу ўринда бир савол туғилади: Компания кўпроқ қайси йўналишларда суғурта хизматларини таклиф этмоқда? Замондошларимиз “KAFIL-SUG‘URTA” акциядорлик жамиятининг автотранспорт воситалари, экспорт шартномалари, қурилиш ва монтаж қилиш хавфлари ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш борасидаги хизматлари эътиборга молик эканлигини таъкидлашди.

Ҳа, бу хизматлар автоуловларни бошқаришни тобора кўпроқ ўз қўлига олаётган, экспорт шартномаларида панд еб қолаётган, қурилажак уйларга олдиндан тўлов қилаётган, фаолиятида ўз раҳбарлари олдида ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаётган хотин-қизларга қўл келаётганига шубҳа йўқ. Уларга ўзгариб ва юксалиб бораётган янги замон аёли, фикрлаётган шахс мақомига кўтарилишларида дадиллик ва шижоат бағишламоқда.

Ижтимоий лойиҳалар сафи кенгаймоқда

“KAFIL-SUG‘URTA” фақатгина молиявий кўрсаткичлари билан эмас, балки жамиятдаги ижтимоий лойиҳалари билан ҳам фаоллашиб бормоқда.

Ўтган йили компания “KAFIL GRANTI” дастури орқали талабалар учун махсус грантлар ажратди ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорлик доирасида ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширди.

Бундан ташқари, аёлларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлаш мақсадида “Аёллар клуби” ташкил этилди. Мижозларга янада қулай хизмат кўрсатиш учун янги филиаллар очилди, call-markaz ва онлайн хизматлар такомиллаштирилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги қарорига асосан, компания экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган “Яшил суғурта” (Green insurance) маҳсулотларини йўлга қўйди, – дейди Сабрина. – Бу маҳсулот атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимолига қарши ишончли суғурта ҳимоясини тақдим этади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, барқарор ривожланиш ва “Яшил суғурта” – экологик жиҳатдан масъулиятли жараён ҳисобланади. Барқарор ривожланишга ёрдам берувчи суғурта маҳсулотлари, масалан, қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаб-қувватлаш ёки экологик хавфларни камайтиришга ёрдам берадиган турлари жадал ривожланмоқда. Вақт ўтгани сайин мазкур суғуртага бўлган қизиқиш ошиб бораётгани қувонарлидир. Ҳозирги кунда “Яшил суғурта”нинг баҳорий ташвишлари билан бандмиз. Зеро, экология борасидаги муаммоларимизни ҳал этиш барчамизнинг энг биринчи галдаги вазифамиздир.

Суҳбатдан қайтар чоғимизда атрофда кеза бошлаган кўклам ҳавоси дилларга алланечук хуррамлик, шодлик ва орзулар ишқини олиб кираётганини ҳис қилдик. Олдимизда турган баҳорий ташвишларимиз ва мақсадларимиз рўёбида эса ҳар биримизнинг масъулиятли фаолиятимиз, ташаббусларимиз ва бир-биримизга қанот бўлгувчи ижтимоий лойиҳаларимиз муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода “KAFIL-SUG‘URTA” акциядорлик жамияти ходимларининг бугунги саъй-ҳаракатлари ва янгича ёндашувлари бизни севинтирган бўлса, ажаб эмас.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА

Отасининг қизи

"Йил аёли – 2024" миллий танловининг "Йилнинг энг яхши чилангар аёли" номинациясида голиб бўлган "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти "Фарҳод гидроэлектростанцияси" филиали электромашиналар цехи гидротурбина қурилмаларини таъмирловчи чилангар Парвина Муллаева билан суҳбатлашганимизда бу касбни бежиз танламаганига гувоҳ бўлдик. Чунки ҳар бир гапини чертиб-чертиб, ўзига ишонч билан гапирарди. У ўзи таъкидлагандек, чин маънодаги "Отасининг қизи" экан.

Парвинанинг отаси Ворис Абдуқаюмов меҳнат фаолиятини Фарҳод ГЭСи филиали бошқарув пультида ишлашдан бошлаган ва кейинчалик бош муҳандис лавозимида ишлаб, нафақага чиққач, "Гидро курилиш буюртмачи хизмат" масъулияти чекланган жамиятда муҳандислик қилмоқда. 45 йилдан бери шу соҳадаги самарали меҳнати билан ҳурматга эришган инсон, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. "Фахрий гидроэнергетик" нишони билан тақдирланганлиги ҳам фикримизни далиллайди. Онаси ҳам олий маълумотли. 35 йилдан кўпроқ эл хизматида бўлди. Ҳозир уй бекаси, набиралар қуршовида кексалик гаштини сурмоқда. Отадаги қатъият, дадиллик, севган касбига садоқатли бўлиш каби хислатлар фарзандларига, шу жумладан, Парвинага ҳам ўтган. Оилада бирин-кетин энергетиклар ўсиб, вояга етди. Аввал ўғли Абдумажид шу касбни танлади. У олий маълумотли мутахассис, ҳозирги кунда Фарҳод ГЭСи директори вазифасида ишламоқда.

Парвинанинг: "Отамдай энергетик бўламан, гидростанцияда ишлайман", деган гапларига аввалига ота-онаси эътибор беришмади. Бу шунчаки болаликдаги ҳавас-да, деб ўйлашди. Аммо бу орзулар Парвина билан бирга улғайди.

Ширин шаҳридаги 3-умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлагач, Ангрен шаҳридаги молия ва иқтисодиёт коллежига ўқишга кирди.

– Коллежни битиргач, гарчи мутахассислигим иқтисодчи бўлса-да, ГЭСда ишлашни танладим. Жараёнлар билан танишгач, чилангарлик касбига қизиқиб қолдим ва уйдагиларнинг: "Темир-терсак ичида юриш қизларнинг иши эмас", деган қаршиликларига қарамасдан машинист бўлиб ишга кирдим. Ушбу соҳа терминни билан айтганда, касбим – гидроагрегат, яъни сувдан ток чиқарувчи машинани бошқариш. Аслида бу аёлларнинг иши эмаслигини кўпчиликдан эшитсам-да, феъл-атворимдаги отамга хос ўжарлигим, қайсарлигим, бир ишни бошласам, охиригача етказмасдан қўймаслигим боис хизмат вазифамга қаттиқ киришдим. Корхонадаги оғир қўл меҳнати орқасидан рўзғор тебратаётган заҳматкаш аёлларни кўриб, келажакда қўллари қора мойга ботган аёллар меҳнати қадрини, "чилангар аёл" деган номнинг қадрини кўтаришга ҳаракат қиламан, гидроэнергетикага янгиликларни киритиб, соҳани юқори даражага кўтаришга ҳисса қўшаман, деган мақсад менга куч берарди. Бу соҳани мукаммал ўрганишимда Фарида Тайкенова, Музаффар Алимов каби устозларимнинг йўл-йўриқлари, маҳорат ва тажрибалари қўл келди.

Парвина чин маънода энергетиклар сулоласи-дан. Отаси, акасидан ташқари, турмуш ўртоғи Шуҳрат Муллаев, қайнотаси ва қайнонаси ҳам шу соҳада хизмат қилишади. Турмуш ўртоғи гидростанцияда ишлайди, цех устаси. Аёл киши қанчалик орзу, мақсадли бўлмасин, ишдаги ҳаёти, аввало, турмуш ўртоғига, у келин бўлиб тушган хонадоннинг соҳибларига боғлиқ. Бу жиҳатдан Парвинанинг бахти чопган. У оиласининг қўллаб-қувватлаши натижасида олий маълумотли бўлди, Россиянинг Томск шаҳридаги политехника университетининг иқтисод факультетида сиртдан таҳсил олди, билим ва малакасини оширди.

Қаҳрамонимиз ёш бўлишига қарамай, меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги боис турли довонлардан ўтди, ўз орзуси йўлида ўқишдан, меҳнатдан, изланишдан чарчамади.

– Мен бахтли аёлман, уч фарзанднинг онасиман, хонадоннинг севимли келиниман, – дейди Парвина тақдиридан қувониб сўзларкан. – Фарзандларимнинг тарбиясида оила устунлари бўлган қайнота ва қайнонамнинг ўрнилари беқиёс. Болаларим бобоси, бувиси ва отасидан уларнинг касбларига хос бўлган интизом, қатъият, масъулият каби фазилатларни ўзлаштириб боришмоқда. Китобхон хонадонмиз. Жавонимизда ҳамманинг ўзи ўқийдиган адабиёти бор. Янги китоб ўқилгач, ўртада баҳс-мунозара бўлади. Энг муҳими, фарзандларим чинакам ҳаёт китоби сабоқларини оилада ўқиб, ўрганишмоқда. Янада қувончлиси, бугунги кунда ўзим ҳам устоз деган номга эришдим. Шогирдларим Гулшода Сангинова, Сабрина Одинаева каби чилангарлик касбини пухта эгаллаган қизлар бугунги кунда барчага ўрнак. Мен касбимдан ташқари корхонамизда хотин-қизлар етакчисиман. Жамоадаги ишчи-хизматчилар сони 143 нафар бўлса, уларнинг 22 нафари аёллар. Корхонамизда аёлларга эътибор жуда катта, улар учун барча шарт-шароитлар, қулайликлар яратилган.

Амалга оширилган модернизациялаш жараёни ишчиларнинг оғир меҳнатларини енгиллаштирди, ҳамма жиҳозлар янгиланди, иш жараёнлари автоматлаштирилди. "Йил аёли" миллий танловининг гидроэнергетика соҳаси бўйича номинация ғолиби бўлишни жуда истар эдим. Бу ниятимга ҳам эришдим. Ҳали орзуларим кўп. Улар фарзандларим билан бўйлашиб, ўсиб, улкан мақсадларга айланишига ва ижобат бўлишига ишонаман.

Нурчилар шаҳри Ширидаги Алишер Навоий маҳалласида Парвина Ворисовна (уни бугунги кунда шундай деб аташади)га ҳавас қилгувчилар кўп. Бу шаҳарда Алишер Навоий бобомизнинг "Хамса" достони қаҳрамонлари бўлган афсонавий Фарҳод ва Ширинларнинг замонавий издошлари яшаётгани, уларнинг ҳаёти ва ишлари барчага ибрат бўлаётгани билан фахрланамиз.

Холида ПАРДАБОЕВА,
"Саодат"нинг Сирдарё вилояти мухбири





Санъаткорлик, ҳунармандлик хос бўлганидек, юртимизнинг қадим шаҳарларидан бири Қўқон – Ҳўқанди латифга машҳурлик ҳам хосдир. Ҳар қандай ҳудудга донгдорликни ўша жойнинг фарзандлари ато этади. Турфа замонларда ижод аҳли давлат тарихига шуҳрату шон сўзларини ёзган бўлса, бизнинг давримизга келиб ҳам бор салоҳияти билан она шаҳрини узоқ – яқинларга чиройли кўрсатадиган инсонлар яшаган ва яшамоқдалар. Шулардан бири драматург, ёзувчи, кенг кўламли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган Нуриллохон ҳожи Абдуллаевдир. Уларнинг "Муҳаббат қасри" драмасидан ташқари, "Қўқоннинг ўн икки дарвозаси", "Аҳмад ал-Фарғоний" асарлари, "Маҳалладан бошланур Ватан", "Савдогарнинг 1001 сири", "Ҳаж сафари" номли рисолалари мухлислар қўлига етиб борган.

ҲЎҚАНДИ латифнинг азизлари

Биз у кишининг рафиқалари (фақат шаҳарнинг Исфарагузаридагина эмас, Қўқоннинг тўрт тарафида ҳам "пошша ая", "ҳожи она" дея эъзозланадиган) Азизахон ая Абдуллаева билан оила тутумлари, анъаналари, қолаверса, саховатнинг баракаси ҳақида суҳбатлашдик. Ая улуғ ёшда бўлсалар-да, ҳали тетик. Умр китобининг варақларини хаёлан ўқир эканлар, вақт ва макон кенгликларида адашмайди, аниқ-тиниқ сўзлайди:

– Ҳамшаҳарларим ота-онамни беҳад эъзозлашар, отамнинг исмлари Олимхон, аммуйимдагилар "Азиз" дея эркалатиб чақиришса, қўни-қўшнилар "Қуёшхон" деб суюшарди. Меҳрибонларимнинг чиройли бир муҳаббатларининг меваси бўлсам керакки, ўзим ҳақимда орқаворотдан ҳам, юзма-юз ҳам "чиройли қиз" деган таърифни кўп эшитардим, – дея мақсадимиздаги суҳбатни бошлайди ая.

У киши хаёлан ёшлик йилларига қайтиб хотира дафтарлари саҳифаларини бир-бир варақлар экан, йилларига йилдош, йўлларига йўлдош бўламиз. Биласиз, аксарият ота-оналар чиройли қизлар балоғатга етгач, тезроқ эгасига узатиб, ташвишидан қутулишни иссташади. Аммо Азизахонга оиласида ишонч катта эди. Чунки у диний ва дунёвий илмларни баравар ўзлаштириб, сулола улуғлари ва хонадон соҳибу соҳибаларидан миллатимизга хос энг гўзал сифатларни ўрганиб вояга етаётган эди. Ўқувчилигида фанларни пишиқ, пухта ўзлаштиргани боис Фарғона давлат педагогика институтига қийинчиликсиз кириб кетади.

– Ўша пайтларда биз – талабаларнинг ўқишдан бошқа ташвишимиз йўқ эди. Муҳаббат, оила деган тушунчалар ҳали ўй-хаёлларимга кириб келмаган кунларда келинойим уйларига меҳмонга олиб борганлар. Ўзларининг укаларига муносиб кўриб, аям, дадамларни ҳам бу ниятларидан хабардор қилиб, уларнинг изни билан мени меҳмонга эмас, учрашувга олиб чиққан эканлар. Билмабман ҳам. Хонтахта атрофида қиз-жувонлар бирга чақчақлашиб ўтирсак, укалари уйга бирровга кириб, саломлашиб чиқиб кетдилар. Мен у кишини биринчи марта кўришим эди. Ҳали бу савдолардан хабар топмасимдан у киши:

– Совчиликка бораверинглар. Мен уйланмасам, фақат шу қизга ўхшаганига уйланаман, – деган экан. Тақдир раво бўлиб турмуш қурдик.

Тўйни Раҳима Мазоҳидова каби Қўқоннинг севимли санъаткорлари "Ёр-ёр"у "Омонёр"лари билан роса қизитган, чирманданинг "так-такатум"и ойларга етган, – дея тўй оқшомини эслади чоғи, аянинг қизиллиги сўнмаган чеҳрасига ажиб бир табассум ёйилди.

Айни ўша йиллари тенгдошлари орасида адл қомати, очиқ чеҳраси, чуқур мулоҳазалари билан ажралиб турувчи Нуриллохон Тошкентдаги Халқ хўжалиги институти (Ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) толиби илмларидан эди.

Шу билан Абдуллаевлар оиласининг муҳаббатидан файз, меҳнатидан давлат, саховатидан қадр топган ибратли умр китоби ёзила бошлади. Хонадон соҳиби тадбиркорлик йўлини ихтиёр этганида ҳали бу ҳаракат юртимизда эндигина уйғониб келаётган эди. Фуқароларимиз онгида бойликка эришиш, бой бўлишнинг қўрқуви кетмаган даврда дўкон очиш, тижорат билан шуғулланиш ўзига хос жасорат эди.

– Одатда, шомдан бироз ўтиб, уйга қайтардилар, – дея эслайди ўша кунларни Азиза ая. – Баъзан ҳаяллаб қолсалар, уззукун давом этган келинлик хизматларидан сўнг иш жойлари тараф хавотир билан юриб борардим. Кўчанинг бу юзига дўкон деразасидан бир қучоқ нур тушиб турарди. Ўзимни панага олиб қушқўним фурсат кузатардим: харидорлар келиб тургани, савдо кетаётганини кўриб, кўнглим хотиржам бўлиб уйга қайтардим...

Қаҳрамонимиз фақат ёш келинчаклик даврларида эмас, ҳаёти давомида хожасини шунлардай шомлару тунлардан қизғаниб, эъзозлади. Қайнонаси Ҳадича хола ҳам ниҳоятда ораста, пазанда, кўп гапни ёқтирмайдиган, айтарини кўз қарашлари билан ифода этадиган талабчан аёл эди.

Азизахон Қўқондаги доврўқли 10-мактабда муаллимлик қилар, дарсларга тайёрланиш, илм масканининг тадбирлари, ўқувчилар билан тарбиявий соатлар олиб бориш каби касбий вазифалари билан бирга "келди-кетди"ли катта даргоҳнинг юмушларига ҳам улгурарди. Бир ўғил, икки қизли бўлганида ҳам ўша пайтлари Қўқон тадбиркорлигининг пешқадами сифатида тилга тушган турмуш ўртоғининг кийимларини кунига икки бор алмаштириши учун ҳозирлаб қўярди. Чунки Нуриллохон ҳожи (Бу пайтларга келиб истиқлол шарофати билан Ҳаж зиёратларига йўл очилган, тадбиркор биринчилардан бўлиб мусулмонликнинг бу фарзини адо этган эди) ҳамиша бошдан-оёқ оқ либосда юрарди.

– Тадбиркорлик орқасидан келадиган

даромадимизни ўн фоиз деб ҳисобласак, болаларимнинг отаси тўққиз фоизини саховат ишларига сарфлаган, десам, заррача муболағаси йўқ. Шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларига ҳайит, байрамларда озиқ-овқатлардан ёрдам қилардилар. Ҳали она сутига тўймасидан ташлаб кетилган чақалоқлар асраладиган муассасани оталиққа олган эдилар. Қўқон педагогика институти Ялтада ўтадиган анъанавий талабалар беллашувига қатнашадиган бўлганида, уларга ҳам ҳомийлик қилганлар. Умуман, бир қўлларини камхаржларга ёрдамга узатсалар, иккинчи қўллари билан ҳамиша маориф, маънавиятчиларни қўллаб-қувватлаганлар. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Эркин Воҳидовнинг олтмиш йиллик юбилейи доирасида Покистонда "Олтин девор" комедияси қўйилганида санъаткорларнинг йўл харажатлари, саҳна анжомларининг бир тарафини кўтарганлар. Мактабларга компьютерлар совға қилгани, Соҳибқирон Амир Темур юрган йўллардан юриб, изланишлар олиб борган экспедиция сафарларига ҳомий бўлгани... Эҳ-ҳе, ҳожимнинг элу халққа қилган эҳсони ҳақида ёзсангиз ўзи бир катта китоб бўлади...

Азизахон ая фахрланиб гапиради бу гапларни, саноқларни қувониб санайди. Одатда аёллар табиатан хожасининг топгани ўзиники, болаларники бўлишини хоҳлайди. Бегонага кетса, ичи жизиллайди. Аммо бу аёлга оилабошининг бағрикенглиги шу қадар сингишиб кетган эканки, тўплашдан эмас, сочишдан завқланарди.

– Эр киши кўчанинг одами, дейишади. Кўча юмушларини ўринлатиб қўйганларидай, раҳматли жуда оилапарвар ҳам эдилар. Ўғлимиз Жамолхон тиббиёт соҳасида ўқиган бўлсалар-да, унга ишларининг давомчиси сифатида қараردилар, талаблари қаттиқ эди. Қизларимиз Соҳибахон, Иродахонларни булар – меҳмонларимиз, биздан қанча меҳр кўришса, борган уйларига шунча меҳр беришади. Муҳаббатингизни аяманг қизларимиздан, дердилар. Бўш қўл билан уйга қайтмасдилар, албатта, қизларига аталган туҳфалари бўларди...

Оила ҳақида, эр-хотинларнинг ўзаро меҳрли муносабатлари ҳақида бундай эсдаликларни эшитиш қандай яхши. Қани эди, ҳамма оилаларнинг умрнинг бир бекатига етганида суҳбатдошига сўзлайдиган, эслайдиганлари шундай яхшиликларга тўла бўлса...

Азизахон аянинг рўзғор тутуми, ҳаёт тарзи нечоғлик замонавий бўлмасин, бу оила ҳамиша қадим қадриятлар доирасида яшади ва шундай умргузаронлик қилишди.

– Биз болаларимиз ўсмир чоғларида бир дастурхонда ёнма-ён ўтирмасдик, бир-биримизга ҳурмат назари билан қарардик, отаси фарзандлари ёнида сира овозини баландлатмас, мен ҳам ота ва бола ўртасида кўприк бўлиб турардим доим.

Ҳа, шундай андишалари бор бўлгани учун ҳам улар ота-онанинг юзларини ерга қаратишмади, муносиб инсонлар бўлиб оилада ҳам, жамиятда ҳам ўз ўрниларини топишди.

Тақдир бу хонадонни кўп бор сийлади, яхши дўстлар ташрифи билан, ўғил-қизларининг бахти, набираларнинг дунёга келиши билан, ҳукумат эътибори, элнинг муҳаббати билан... Аммо синовлар ҳам берди: шифокор ўғиллари Жамолхон айни навқирон ёшида ўз дардига даво тополмай вафот этди.

Бир тасодиф туфайли қизлари Соҳибахоннинг уйида ёнғин рўй берганида, ҳаётнинг тоғдай юкларини тикка кўтариб юрадиган Нуриллохон ҳожининг юраги дош бермади. Соҳиби кўнгли, ҳамрози, бир умр “аялари, оналари” дея “сиз”лаб ўтган рафиқасининг қўлида Аллоҳга омонатини топширди.

... Ҳаёт давом этяпти. Нуриллохон ҳожи заҳматдан, муҳаббатдан қурган хонадон ҳануз улар қолдирган анъаналар билан яшамоқда. Мухтасархон келини, Жамолхондан ёдгор набиралар, қизлар, куёвлар энди аввалгидай ҳар кун, кунора тўплана олишмайди. Чунки замона зайли билан баъзилари океан ортида, айримлари яна бошқа манзилларда истиқомат қилишади. Фақат ким қаерда бўлмасин, ҳар тонгда Азизахон аяга қўнғироқ қилишни канда қилишмайди.

Ая уларни дуо қилади. Алқайди. Умр тилайди ва албатта, бир пандни такрорлашдан эринмайди:

– Мусофир юртларда ўқиб, ишлаб юрганларинг юртимиз шарофатидан. Шунинг учун муддат битгач Ўзбекистонга қайтишни унутманглар. Одамни аввал ота-онаси, қолаверса, юрти “болам...” деб суяди. Бегона жойларда жаноб, хоним бўлишларинг мумкин, лекин ҳеч ким сизларни “болам”, демайди...

Ҳа, аянинг панду насиҳатлари, шукронаси, хотиралари – ҳаммасида сабоқ, ибратлар бор. Ёзиш биздан бўлганидек, ўқиш ва уқиш сиздандир, азизлар.

Муҳиба ҲАМИДОВА,
филология фанлари номзоди,
журналист.

Меҳнатлари азиз қилди...

Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати маҳаллий хомашёни қайта ишлашга асосланган кўп асрлик тарихга эга. Пахтамиз, ипак, теричилик кабилар юртимизнинг миллий бойлиги ҳисобланади. Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон орқали ўтиши, бу ерда ишланган пахта ва ипакли матолар ҳунармандчилиги, ўзига хос хушбичим миллий уст-бош ва оёқ кийимлар, суратлар чизилган сопол идишлар дунёнинг кўплаб давлатларида машҳур бўлган.

Бугун айни шу йўналишда юрт равнақига озми-кўпми ҳисса қўшаётган қаҳрамонимиз Азиза Урунова болалигидан жамиятда ўз ўрнига эга инсон бўлиш учун интилган.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали фаолият кўрсатиб келаётган қаҳрамонимиз оддий назоратчиликдан тортиб “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси хорижий ва маҳаллий тадбирларни ташкиллаштириш бошқармаси бош мутахассиси лавозимигача бўлган йўлни фидойилик билан босиб ўтди.

Бозор талабларидан келиб чиқиб тўқимачилик саноати тармоқларини ривожлантиришнинг механизмларини такомиллаштириб бориш, кескин рақобат шароитида ҳар бир ташкилот бозорга ўзининг табиий, сифатли маҳсулоти билан чиқиши учун тегишли технологик жараёнларни яратишда ўзининг муҳандис-технолог сифатида муносабатларини билдириб, меҳнат фаолиятида бу борада муносиб иштирок этиб келаётган Азизанинг яхшигина тажриба тўплаганлигини сезиш қийин эмас. Унинг “Тўқимачилик саноатида аёлларнинг ўрни” лойиҳаси, яъни саксондан ортиқ тизимли фото-суратлардан иборат фото-галерея соҳанинг “Uztextile Expo-2022/2023” кўргазмаларида намойиш этилганди.

Чинакам қилинган меҳнат ҳеч қачон рағбатсиз қолмайди. Бу йил Азизахон аёллар байрамида “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўз касбининг моҳир мутахассиси, иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаган қаҳрамонимизнинг келгусидаги режалари улкан, мақсадлари бисёр. Биз эса унинг ойдин орзулари рўёбини тилаб қоламиз.

Нурхонанинг нурли аёли

Ҳар йили юртимизга куз фасли кириб келиши биланоқ қишки мавсумга тайёргарлик ишлари бошланиб кетади. Кексаю ёш аллақачон кўникиб ҳам, ўрганиб ҳам қолган ушбу умуммиллий тадбирдан кўзланган мақсад қиш мавсумини юртимизда талафотларсиз ўтказиб олишдан иборатдир.

Иқлим жиҳатдан қаҳратон қишга кўникмаган юртдошларимиз икки йил муқаддам “аномал совуқ” иборасига илк бор дуч келди. Ва бу борада яхшигина муаммоларимиз борлиги юзага чиқиб қолди. Сезиб турганингиздай, бундай шароитда мамлакатимиз иссиқлик электр станциялари зиммасига каттагина масъулият тушди. Бу жараёндаги муаммоларни бартараф этишда, албатта, соҳа фидойиларининг заҳматлари бордир.

Қаҳрамонимиз Наргис Бегматова “Иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти “Тошкент иссиқлик электр маркази” филиалида 1-тоифали муҳандис лавозимида фаолият олиб боради.

Энергетика тизимидаги меҳнат фаолиятини ўтган аср охирларида бошлаган Наргис Бегматова ташаббускор ва малакали мутахассис сифатида жамоада ҳурмат қозонган. Зиммасига юкланган вазифаларга сидқидилдан ёндашиши ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, тизимдаги самарали меҳнатлари учун раҳбарият томонидан бир неча бор “Ташаккурнома” ва “Фахрий ёрлиқ”лар билан тақдирланган.

Наргис опа ҳамкасблари орасида ўзининг ибратли ҳаёт йўли, турли вазиятларда умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда иш юритиши, самимий суҳбатдошлиги ва меҳр-мурувват кўрсатишдек фазилатлари билан ҳурмат қозонган.

Бу йил “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига танланган номзодлар орасида уларнинг борлиги ва ушбу эҳтиромга муносиб кўрилгани нафақат оиласи, балки, қадрдон жамоаси учун ҳам қувончли бўлди.

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ

“Мен бир ҳаётий фикрни такрорлашдан чарчамайман: битта қизни ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Оила билимли, маърифатли бўлса, бутун жамият билимли, маърифатли бўлади. Бу борадаги ишларни янада жадал давом эттирамиз”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Шоира, созанда, спортчи...

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган истеъдодли қизларнинг ҳар бири бир олам. Улар бу совриН остида бирлашгач, янги фикрлари билан Ватан тараққиётига куч берувчи муваффақиятлар бахш этадиган ишжоатли ёшларга айланишади.

ЗАМИННИНГ ЯМ-ЯШИЛ БЎЛАР ТУШЛАРИ

Баҳор мушоираси

Холмўмин Ёдгоров

Ҳануз ...

Согинаман қишлоғимни кун сайин,
Ёдга тушар бағрин тарк этган оним.
“Яхши бор. Омон бўл”, деганча маҳзун,
Қўл силкиб қолганди ўшанда онам.
О, жуда кўп йиллар ўтди орадан,
Кўп фурсат йўқотдим, мен ғафлат босиб.
Жудолик. Жуда тез кетдилар онам,
Хизматларин қилмоқ бўлмади насиб.
То етгунча учиб, қўнмай бораман,
Қабрин қучиб узоқ, қиламан тавоф.
Сўнг бирдан қишлоққа сиғмай қоламан,
Бетаскин туйғуга излайман жавоб.
Бўғзимга тиқилар аллақандай ҳис,
Ич-ичимни ўртаб келар бир алам.
Йўл оғир, йўл йироқ – олисдан-олис.
Ҳануз қўл силкитиб турибди онам.

Ҳануз қўл силкитиб турибди онам.

Изларман

Иссиқ нон ҳидини туйганим чоғим,
Ҳамон тандир томон югурар кўзим,
Онамни согиниб, меҳрин изларман.
Бахтим балққанида, шод бўлган оним,
Баҳам кўрмоқ бўлиб бахтим-қувончим,
Онамни согиниб, тафтин изларман.
Ғамга ботиб, хафа бўлганимда ҳам,
Тўкиб солмоқ учун дилимдан дардим,
Онамни согиниб, кафтин изларман.

Олимжон ЎСАРОВ

Баҳор келди

Баҳор келди! – Хабар қилар бойчечак,
Ажиб тўйхонага айланар дунё.
Ҳовлидаги бир туп ўрик – келинчак,
Оппоқ либос кийиб нозланар гўё.
Баҳор! Новдаларда кўз очар куртак,
Чинқириги унинг – момақалдироқ.
Юлдузларга балки сўзлайди эртак
Қисматдошим менинг – лолақизғалдоқ.
Баҳор келаётир. Адирларда ҳам
Майсалар унади, йўқолар изим.
Юрак сирларимдан огоҳ тор хонам,
Фақат бир суратга термулар кўзим.
Баҳор келяпти! Чуғурлашади
Тепамда айланиб бир жуфт қалдиргоч.
Сўнгги сиримни ҳам ўғирлашади,
Бағрига илк сирим ўйган қайрагоч
Баҳор келаётир! Кўчадан бир тўп
Тўпори болалар ўтди югуриб.
Кўксимда нимадир узилди шу тоб,
Суратидан юзим олдим ўгириб.
Баҳор келяпти, кошки қараса,
Қўлида адашим – қоракўз ўғли.
Ёнида қаддини ғоз тутган эса,
Собиқ хат ташувчи ўртоғим – ўғри.

Онамнинг суврати

Титроқ қўлларининг мўъжаз кафтида,
Тарам-тарам қақраб ётади шудгор.
Рангини йўқотган рўмол остида,
Кумушдек товланар бир тутам оқ қор.
Киртайган кўзлари – қуриган булоқ,
Қуёш ҳам уялар қараган кези.
Интилган орзуси юлдуздан йироқ,
Юзида чизиқлар – темир йўл изи.
Ҳар куни из солар ташвиш ишчиси,
Кесишиб-кесишиб кетган бу излар.
Бекатсиз излардан шошиб ўтади,
Вагон-вагон армон ортган поездлар.



Сенинг исминг

Нафасларинг – тонгги тиниқ ел,
Унда илиқ бодомгул иси.
Ўзим кўрдим – шамоллар енгил
Ва уларда сочларинг изи.
Кўзларимни боглади кўнглим,
Пайпасланар идроклаш деган,
Баҳор сенга ўхшармиш, гулим,
Демак, баҳор чиройли экан!
Бу фасл, бу гуллар, бугунлар
Қанча нафис, қанча муҳташам.
Қувонишар!
Уларни агар
Сенинг исминг билан чақирсам!

Шаҳриёр ШАВКАТ

Баҳорнинг туғилиши

Тарновлар кўзидан томар милт-милт ёш,
Сумалаклар бошлар сўнгги жангини.
Куртаклардан бодроқ қовурар қуёш,
Дарахтларга сочиб исён рангини.
Қуёшдан эҳтирос эмаркан ёниб,
Заминнинг ям-яшил бўлар тушлари.
Куртаклар милкини чиқмоқда ёриб
Чақалоқ баҳорнинг олмос тишлари.
Бошига исёндан ўраб аланга,
Томларнинг бошида ёнар қизғалдоқ.
Деҳқоннинг кафтига ўхшаб қабарган
Ҳаттоки қабрлар кўтарар байроқ.
Ногоҳ сепкил доғи босиб юзини,
Келинчак туйғандай довучча таъмин,
Ҳайрат оғушида очар кўзини,
Эркка бошқоронгу бўлган бу замин.
Туйқус она замин келган каби тор,
Югуриб чиқаман ногоҳ хонадан.
Шу кеч нечанчи бор туғилар баҳор,
Шоирлар туғилар шу кеч онадан...

Насрулло ЭРГАШ

Сўрайсан

Кўнглимни сўрайсан,
Ҳа, кўнглим бордир—
Дунёни сиғдирган,
Сени сиғдирган,
Бошдан-оёққача бус-бутун юрак.
Менинг топинганим ўша-ку ахир,
Энди бу дунёлар менга не керак.

Ишқимни сўрайсан,
Ҳа, ишқим бордир –
Ҳув, ўша одамга
жон кирар маҳал
чалинган мусиқадан ажралган наво.
Мен унинг сеҳри-ла яна қайтадан
Яратиб олгайман бошқа бир дунё.

Фақат сўрамайсан,
Сўрай олмайсан.
Менинг яна битта азобим бордир –
Яратган яратган, эй, тенгсиз дилдор,
Ҳижронга эврилган умр йўлимда –
Менинг сен сиғмаган пешонам ҳам бор.

Нажмиддин ЭРМАТОВ

Умрбақий шодиёна

КИ МУНДИН ЯХШИ БЎЛМАС, БЎЛСА ЮЗ НАВРЎЗУ БАЙРАМЛАР...

Ҳижрий йил ҳисобида янги йил саналган Наврўз қадим замонлардан бери дунёнинг турли мамлакатларида кенг нишонланган. Ўрта асрларда энг йирик империялардан бири саналган темурийлар салтанатида ҳам Наврўз жуда катта тантаналар билан ўтказилган. Соҳибқирон Амир Темур даврида пойтахт Самарқанд яқинидаги Конигил тепалигида Наврўз куни халқ сайиллари бўлган. Фақир ва мискинларга ош тарқатилган.

Бу ажойиб анъана кейинчалик буюк Бобурийлар давлатида ҳам энг йирик шодиёнага айланган. Оддий халқ миллати ва дини қандай бўлишидан қатъий назар, Наврўз байрамини орзиқиб кутганлар. Негаки, ўн етти, ўн саккиз кун давом этган тантанада раият ҳам иштирок этган, маданий ҳордиқ чиқарган.

Буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган давлатнинг дастлабки пойтахти Кобул шаҳри бўлган. Бобуршоҳ Кобул ва Ғазнини эгаллаганидан сўнг бир йил ўтгач, волидаси Қутлуқ Нигор хоним ҳаётдан кўз юмган. Соҳиби салтанат онасини дафн этиш учун тоғ яқинида амакиси Улуғбек мирзо Кобулий солдирган Боғи Наврўзни танлайди. Эгалари, яъни ўзининг амакизодаларига минг танга бериб, боғни сотиб олади ва волидасини ўша ерга тупроққа қўяди.

Бобур подшоҳ умрининг асосий қисмини ҳарбий юришларда ўтказган. Ана шундай сафарларнинг бири Наврўз байрамига тўғри келади. Байрам ва Рамазон ҳайити бир-бири билан яқин келган эди. Ийд намозини ўқиганидан сўнг бобокалонимиз ийд ва Наврўз бир-икки кунлик тафовут билан келгани муносабати билан шундай ғазал битган:

Янги ой юзи бирла кўруб эл-шод хуррамлар,
Менга юзу қошингдин айру байрам ойида гамлар.
Юзи наврўзи васли ийдини Бобур ганимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас, бўлса юз наврўзу байрамлар.

Бутун умрини марказийлашган ва қудратли давлат қуришга бағишлаган Бобур подшоҳ кейинчалик Шимолий Ҳиндистонни фатҳ этгач, давлат Кобулдан Аграга кўчади. Подшоҳнинг ҳарамидаги

темурий ва бобурий маликалар Аграга кўчиб ўтадилар. Кейинчалик эса Турон, Хуросон ва бошқа ўлкалардан ҳам нафақат темурийлар, балки, оддий одамлар ҳам Ҳиндистонга бориб Бобурийлар давлатидан паноҳ топадилар. Олимлар, ҳунармандлар, рассомлар, савдогарлар ва бошқа касб эгалари ҳам Ҳинд заминига кўчиб ўта бошлаган. Бобурий подшоҳлар уларга ҳурмат ва эътиборда бўлиб, ҳаммаларига бошпана, сувли ерлардан жой ажратиб берганлар. Шундан сўнг Наврўз байрами янада кенгроқ нишонлана бошлайди. Саройнинг бош маликаси Моҳимбегимнинг ташаббуси билан эндиликда нафақат сарой ичи, балки Агра ва бошқа шаҳарлардаги бозорлар ва кўчаларни безатиш одатга айланади.

Малика Гулбадан бегимнинг "Ҳумоюннома" асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Ҳумоюн подшоҳ Наврўз ва бошқа байрамларни ўтказиш учун махсус "Тилсимхона" номли сарой қурдирган. Жамна дарёси бўйидаги бу гўзал кошонада фавворалар атрофида сарой аъёнлари ва маликалар учун махсус алоҳида-алоҳида жойлар тайёрланган.

Ҳумоюн подшоҳнинг набираси, Жаҳонгир подшоҳ улуғ бобокалони каби тарихнавис олим даражасига эришган. "Бобурнома"ни ўқиб, ундан илҳомланган подшоҳ ўзи ҳам тарихий асар битган ва унга "Жаҳонгирнома" деб ном қўйган. Гарчи у бу асарини форс тилида ёзган бўлса ҳам, китобнинг ёзилиш услуби ва воқеалар баёни худди "Бобурнома" кабидир. Масалан, Бобур Мирзо ўн икки ёшида тахтга ўтирганидан сўнг ўз мулки ҳисобланган Фарғона вилоятини таърифлагани каби Жаҳонгир подшоҳ ҳам ўттиз саккиз ёшида пойтахт Аграда тахтга ўтирганини зикр этганидан сўнг Агра шаҳрини таърифлашга ўтади.

"Бобурнома" саҳифаларида боблар ҳижрий йил бошланиши билан ажратилган бўлса, "Жаҳонгирнома" асарида боблар подшоҳнинг тахтга ўтирганидан кейинги навбатдаги Наврўз байрами саналарини бошланади. Подшоҳ ўз асарида йигирма икки марта Наврўз байрами тантаналарини тилга олган. Байрам кунлари сарой ичида ҳам турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилган. Жаҳонгир подшоҳ тахтга ўтирганининг бешинчи йили Наврўз кунларининг бирида аммаси Руқия Султон бегим хизматида юрган бир гўзал аёлни кўриб қолади ва унга ишқи тушади. Меҳриннисо исмли бу аёл асли сафавийлар юртидан Бобурийлар давлатига паноҳ излаб келган ҳарбий саркардалардан бирининг қизи бўлиб, унинг болалиги Агра шаҳрида ўтган ва вояга етганидан сўнг турмушга узатилган. Эри билан Бенгало вилоятида яшаган Меҳриннисонинг турмуши узоққа чўзилмаган. Сиёсий масалаларда вилоят ҳокими билан тортишиб қолган умр йўлдоши Алиқули бек ўлдирилган ва марҳумнинг беваси Аграга жўнатилган. Пойтахт Аграда Меҳриннисо Бобур подшоҳнинг кечик ўғли Ҳиндол мирзонинг қизи Руқия Султон бегимга канизак қилиб берилган.

Ўша Наврўз кунларида подшоҳ Жаҳонгир назарига тушиб никоҳига ўтган Меҳриннисо бегим гарчи ўттиз тўрт ёшда бўлса ҳам жуда гўзал бўлган. Подшоҳнинг рафиқаси бўлгач, Нур Маҳал (Сарой нури) деб исм олган малика Жаҳонгир подшоҳ тахтга ўтирганининг ўн биринчи Наврўз байрами кунида Нур Жаҳон (Жаҳоннинг нури) исмини олади. Малика Нур Жаҳон бегим шу қадар катта нуфузга эга бўлган, таъкилаш керакки, темурий ва бобурий маликалардан ҳеч ким бу қадар баланд мавқега эришмаган. Нур Жаҳон бегим хутбадан бошқа барча ҳуқуқларга эга бўлган. Подшоҳ фармонларида Нур Жаҳон бегимнинг ҳам имзоси қўйилиши шарт бўлган. Зарб этилган тангалардан бири нуржаҳоний деб аталган.

Нур Жаҳон бегимнинг валинеъмати Руқия Султон бегим вафотидан аввал ўзини Кобулдаги Боғи Наврўзийдаги бобурийлар хилхонасига дафн этишларини васият қилган. Негаким у ерда Бобур подшоҳ онаси ёнида, икки фарзанди шоҳ Бобур ва унинг опаси Хонзода бегим ҳамда Руқия Султон бегимнинг отаси Ҳиндол мирзо қабрлари бўлган. Руқия Султон бегимни ҳам шу масканга дафн эттирганлар.

Кобулдаги Боғи Наврўзий тарихий асарларда Боғи Бобур деб аталса ҳам, оддий халқ уни Боғи Наврўзий деб атайдилар ва бугунги кунда ҳам афғон халқи учун ҳар йили асосий Наврўз тантаналари ўша ерда ўтказилади.

Бобурийлар даврида Ҳиндистонда катта тантаналар билан нишонланган Наврўз ҳозирги кунда ҳам байрам саналади. Бу қадим шодиёнанинг Ҳинд ярим оролида кенг тарқалишида Бобурийларнинг хизмати беқиёсдир.

Ботир ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти катта илмий ходими

Наср

ОВСИНЛАР

Воқеий ҳикоя

Зуҳриддин ака ва Улфатой аялар уч ўғил кўришди. Уларни ҳавас қилса арзигулик этиб тарбиялашди. Ҳаш-паш дегунча оила тўнғичи Зоҳиржон уйланадиган ёшга етди. Уни куёв қилишга орзумандлар талайгина эди-ю, бироқ йигит қўшни қишлоқлик Фотима исмли қизга кўнгил берган экан, ўшанга уйлантиришди. Ширин ҳислар оғушида келинини кузатган қайнонанинг ўйлари вақт ўта бошлагани сари ташвиш билан алмашина бошлади.

Аянинг умри далада ўтди, қишлоқда ундан ўзиб кўп пахта тера оладиган теримчи топилмаган. Зуҳриддин ота ҳам сувчи бўлиб, эр-хотин шу касб-кор ортидан топганлари билан болаларни боқишди, едириб-ичиришди.

Сабр-тоқатли эру хотинни набирали бўлиш қувончи йиллар давомида зориқтира борарди. Бу синовли йиллар эрни хотинга, келинни қайнонага тобора яқинлаштирар, кимларнингдир "Ҳойнаҳой, бугун-эрта келини кетиб қолса керак", деб кутганлари беҳуда эди.

– Бу Яратганнинг синови, – дерди доим ая келини Фотимага. – Тўшакка михлаб қўйиб, бир қултум сувга, нонга зор қилиб синаганидан ўзи асрасин. Тушкунликка тушманг, худо хоҳласа, албатта, бир куни юзингиз ёруғ бўлади, болам!

Фотиманинг кўнгли тобора чўкиб борса ҳам, аллақачон маҳалла-кўйда "туғмас хотин" деган ном олган бўлса ҳам, барига чидарди. Чунки эридан силтов кўрмади, қайнона-қайнотаси унга жудаям меҳрибон.

Вақти-соати етиб, ўртанча ўғил Шоиржон уйланадиган бўлди. Фотима ўзига бир сирдош сингил келаётганидан беҳад севинди. Ҳабиба келин ҳам бу оиладагиларнинг меҳрини тез қозонди. Эпчил, чаққон, пазанда келинлардан иш қочиб қутула олмасди. "Кўпайишиб қолдик, кўпроқ ер олиб, деҳқончилик қилсак бўларди", деди бир куни Зоҳиржон. Таклиф ҳаммага маъқул тушди. Биринчи йилдаёқ даромад мўл бўлди. Кейинги йил ундан ҳам кўпроқ. Келган даромад ҳовлидаги пастак иморатларни бузиб, қайта тиклашга сарфланди.

Қурилишлар бошланганда бош келин: "Эрим ҳам умрини ўтказмай, бошқа аёлга уйлансин, менинг ҳаётим бир гап бўлар", дея кўнгли бўлиниб юрганди. Аммо бир воқеадан кейин бу оилага тамоман боғланиб қолганини ҳис қилди.

Бир куни тушлик пайтида юқори қаватга қараб эрини чақирди:

– Тушасизми, тушинг, овқат тайёр бўлди!

Томдан жавоб эшитилавермагач, ўзи аста нарвондан юқорига кўтарилди. Охирги поғонага оёқ қўйиши биланоқ бир манзарага дуч келди: Зоҳиржон... ўзи ётиб катта бўлган эски бешикни қучиб олганча... ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

– Эй, худо! Шунча яратган жонзотларингга берган тирноқни мендан ҳам дариғ тутма! Хотинимга ҳам раҳминг келсин, етти йилдан бери ичи зардобга тўлиб кетди-ку. Ёлвораман, Худойим!

Эрининг илтижоларини ортиқ тинглаб туришга хотиннинг қурби етмади. Оёқларидаги титроқни аранг босганича пастга тушди.

Хаёлида бир иқрор айланарди: эри унга шунчалар меҳрли эканми, демак, уни ташлаб кетишга ҳаққи йўқ. Худодан кечаю кундуз сўрайди, ўзи раҳмдил, ўзи мурувватли: тилагини бир кун ижобат қилади!

Фасллар йилларга туташаверди, йиллар эса янги келин-куёв дилига армон улашаверди. Шоиржонлар оиласида ҳам чақалоқ йиғиси янграшидан ҳамон дарак йўқ эди. Энди баъзи хотин-халажлар ғийбатида икки овсин асосий мавзу эди. Эмишки, улар қарғиш теккан хонадонга келин бўлган эмишлар!

Бу гап-сўзлар чол-кампирнинг ҳам қулоғига етиб келди. Улфатой аяни тўшакка ётқизиб қўйди. Аммо шунда ҳам бу гапни тарқатган бирор кимсанинг ёқасидан олмади. Аксинча, келинларига умидларини сўндирмасликни, ҳали ҳаммаси яхши бўлишини таъкидлайверди.

Ая узоқ ётмай, қазо қилди. Гўё бу уйнинг бир устуни қулаб тушди. Зуҳриддин ака анча чўкиб қолди. Лекин ўғиллари, келинлари уни ёлғизлатиб қўйишмади.

Орадан икки йил ўтгач, учинчи ўғил – Собиржоннинг бошини иккита қилишга ҳаракат бошланди. Бироқ икки овсин совчи бўлиб қайси қиз эшигига боришмасин, битта жавобни эшитишарди: "Қизимизни берсак, у ҳам сизларга ўхшаб бефарзанд ўтадими?!"

Бу гаплар улар юрагини тиғдай тилса-да, қайнука ва эрларга ошкор айтилмасди. Бир гал: "У қиз бизга ёқмади, сал тантиқроқ экан", дейишса, бошқа сафар: "Эшик тагидан бошлаб ҳамма жой супуриқсиз, бу қиз сизга бўлмайди, укажон", дейишарди.

Ахийри, бир ҳамсоя аёл узоқ қариндошларининг бўй етган қизи борлигини айтиб қолди. Икки овсин юракларини ҳовучлаб ўша жойга совчиликка боришди.

– Биз ўйлаб кўрайлик, яна бир келинглар, ўшанда аниқ жавобимизни айтайлик, – деди қизнинг бувиси.

Овсинлар бу ердан ҳам умидларини узиб кўя қолишди. Аниқ билишади, улар қўшнилардан обдан суриштиришади, бир эмас, икки аканинг ҳам бефарзанд эканини билгач, қизларини беришдан айнийди-қолади.

Йўқ, бир куни қўшни аёл яна бир бор совчиликка боришлари лозим эканини, қиз томон рози бўлганликларини айтди. Боришди, яна бир бор қизни кўришди. Хушрўйгина, одобли, ҳаёли қиз экани юз-кўзидан кўриниб турибди. Қизнинг бувиси тўйга рози эканини айтганида, икки овсиннинг кўзидан беихтиёр ёш сизиб чиқди.

– Холажон, бу умр савдоси, бир нарсани очиқ айтиб қўйишимиз керак, биз... – иккиланибгина гап бошлади Фотимахон. – Тўйдан сўнг билмаган эканмиз, деб икки ёшнинг турмуши бузилгандан кўра, ҳозир бир ёқлик бўлгани яхши...

У гапини тугатмасидан аввал бўлғуси қуда деди:

– Ҳаммасини суриштириб билдик, жоним қизим. Бу айб эмас, аксинча, сизларнинг бир-бирингизга аҳиллигингиз, меҳрибонлигингиз мени ҳайрон қолдирди. Қизим, сизларга муносиб сингил бўлолса бас, қолгани Худонинг хоҳиши. Биз розимиз!

Ва ниҳоят... бу хонадонда карнай-сурнай овози эшитилди. Тўй, ундан кейинги маросимлар ўтгунича, икки овсиннинг дили эзилиб кетди.

Минг афсуски, тўйдаги: "Бир йилдан сўнг бу ҳовлида "алла" янграсин!" деган тилаклар ҳадеганда ижобат бўлавермади. Орадан тўрт йил ўтди: катта келиннинг шу ҳовлига келганига ўн беш йил, ўртанчасига ўн йил бўлди.

Бу оиладагилар кутишдан чарчаган, икки ака бола асраб олиш ҳақида ўйлаётган бир пайтда кенжа келиннинг бўйида бўлди. Бироқ у бу хушхабарни овсинларига етказишдан истиҳола қилди. Гўё улардан аввал она бўлиши айбдек, тунлари тўлғаниб чиқарди. Эри ўзи билиб қолмагунича, индамади. Билгач ҳам ҳеч кимга оғиз очмаслигини илтимос қилди. У овсин опаларининг кўнглини синдириб қўйишдан, ярасига туз сепишдан чўчирди. Ва оғироёқ аҳволида туну кун битта тилакни тилидан қўймасди: "Уларга ҳам бер, Худойим!"

– Зоҳир ака, мени кечиринг, тенгтушларингиз ўғил уйлаб, қиз чиқаришяпти, сиз бўлса энди...

– Кеч бўлса ҳам берганига шукур қилсанг-чи, Фотима!

– Шукур, минг қатла шукур, лекин...

– Яна нима?

– Бу... гап овсинларимга ёмон таъсир қилмасмикан, деб қўрқаман.

Гулзор Султон чизган расм

– Уларга ҳам вақти-соати билан беради, ишон, мана мени айтди дерсан. Лекин эртагаёқ уларга айтганимиз маъқул, айтмасак ирим қилиб сир тутишибди, деб хафа бўлишлари мумкин.

– Тўғри айтасиз...

Ҳа, Фотима ҳам оналик бахтидан масрур бўлса, ҳам овсинларидан хижолат тортарди. Фотима кенжа келин – Зарифанинг ҳам бўйида борлигини билгач, бутун хаёли ўртанча келин – Ҳабибахонда бўлиб қолди. Икки овсини қувониб турса-ю, унга алам қилмайдими?!

Аммо тақдир ўйинлари тартибини ўзгартириш уларнинг измида эмас-ку, тан беришдан бошқа чоралари йўқ эди. Ҳабибани бу хушхабарлар қувонтирса-да, тунлари ёстиқни тишлаб йиғлашдан ўзини тийиб туролмасди.

Баҳорнинг сўнгги ойларида неча йиллар "тиқ" этган товуш чиқмаган хонадондан бир эмас, икки чақалоқнинг йиғиси эшитилди.

Фотима ва Зарифалар бир-бирларидан ўн кун фарқ билан она бўлишди. Бирлари ўғил, бирлари қиз кўрди. Шунча йиллар тинимсиз ғийбат қилган қўшнилар бир думалаб бошқа одамга айланишди, уларни қутлагани чиқишди.

– Ҳабибахон, соддасиз-да, синглим, соддасиз!

– Бу нима деганингиз, опа? – Ҳабиба ўзларидан беш-олти ҳовли нарида турадиган Зеби опанинг гапидан ҳайрон бўлди.

– Мана, овсинларингиз, эскича амалларни қилиб юриб, болали бўлволишди. Сиз эса юрибсиз!

– Йўқ, опаларим унақа нарсаларни билишмайди, унақа жойларга боришмаган, сиз хато ўйлаяпсиз.

– Э, сизга билдириб боришармиди?

– Майлига, нима бўлсаям, биттадан гўдакни бағирларига босиб олишди-ку. Менга ҳам насиб қилса берар...

– "Берар, берар", деб юраверасизми овсинларингиз болаларининг тагликларини юви-и-иб!

Зеби опа Ҳабиба эмас, худди ўзи бенасиб қолгандек куюнарди. Аммо Ҳабибанинг юрагига у айтган ҳасад бегона эди.

– Вой, бу боланинг ширинлигини! Опа, бола эмас, ой тўққанмисиз дейман! Қани, менга ҳам беринг-чи, бир кўтарай.

Фотима овсинига чақалоқни бераркан, деди:

– Ҳабибахон, синглим, истайсизми, шу болани сизга бераман?

Ҳабиба ярқ этиб овсинига қаради. Унинг нигоҳида балқиб турган меҳрдан кўнгли тўлқинланиб кетди.

– Йўқ, опа, шу гапни айтганингизнинг ўзи менга катта бахт. Ахир озмунча кутдингизми шу кунларни. Ўзингизга буюрсин, ота-онасига буюрсин бу ширинтой! – деди титроқ овозда.

Кунлар ўтарди, ҳовли ажиб нурга, файзга тўлганди. Ҳабиба икки овсинининг қўлини совуқ сувга урдирмайди. Гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг ош-овқатидан хабар олади, болаларининг тагликларини ювишдан эринмасди.

– Ҳаби, ўзингни бунча уринтираверма, биламан, сиқилиб юрибсан, аммо умидингни сўндирма. Бизга ҳам толе кулиб қолар, – деди бир куни Шоиржон хотинига.

– Ношукурлик қилманг, толенинг кулгани шу эмасми? Уларнинг болалари бизнинг ҳам болаларимиз-да! Опаларим...

Ҳабиба гапини охирига етказолмади. Ҳозиргина еган овқати бўғзига тиқилиб келди, кўнгли айниб, ўзини ташқарига урди. Эри унинг ортидан югуриб чиқди:

– Нималар бўляпти сенга?

– Билмадим, ёқмаган бирор нарса едим, чоғи.

– Юр, уйга кириб бироз ётгин, ўзингга келиб қоласан.

Шу кундан бошлаб Ҳабибанинг кўнгли беҳузур бўлаверди. Уни кузатиб турган Фотима кулиб деди:

– Ҳа, ичидан пишган! Иситмангиз ошкор бўлмагунча, сир тутаверасизми? Биздан сўнгчи олмайсизми?

– Нима учун, опа?

– Нима учун эмиш! – Фотима боласини ётқизди-да, ичкари уйга кириб кетди. Бироз ўтиб, бир кийимлик мато кўтариб чиқди.

– Буни нега беряпсиз, опа?

– Эсон-омон енгиллаб олинг, ана унда бундан ҳам зўр кўйлак обераман, хўпми, синглим?

– Нима? – овсинининг юз-кўзларидан ўпа бошлаганидан баттар ҳайрон савол берди Ҳабиба. У хаёлига келган фикрга ишонолмасди ҳамон.

– Ҳозироқ аёллар шифокорига учраймиз, дорилар ёзиб беради. Бу аҳволда ҳолдан тойиб қоладиганга ўхшайсиз.

Бироз вақт ўтиб, Фотима қўлида гўдаги, ёнида овсини маҳалла кўчасидан бошини баланд тутиб кетиб борарди.

– Ҳабибахонни шифокор кўригига олиб бориб келай, кеча ҳамшира келиб, ҳомиладорлар рўйхатидан ўтиб қўйсин, деб айтиб кетганди! – дерди онаси янги ўйинчоқ олиб берган бола каби мақтаниб.

Ҳовлидан эса Зарифанинг ширали овози эшитиларди: "Алла, болам, алла-ё..."

Шаҳло ТОШБЕКОВА

Табиат шайдоси

Газлининг қоқ ўртасидаги ихчамгина ҳовли. Ҳовлининг атрофи чўлга туташ. Атрофини айлансангиз, қум уюмлари, саксовулларга рўбарў бўлаверасиз.

Лекин бу ҳовличага қадам босишингиз билан дунё ўзгариб кетади гўё. Гуллар ифори, узум ҳавозалари, хилма-хил мевали, манзарали дарахтлар, хоналарга кўчган гуллар чиройи шуурингизни гўзалликка, анбарий туйғуларга чулғайди.

Чўлдаги бу ободлик ташаббускори нуроний онахон Мугалима Игишева бўлади. Бир қўлида токқайчи бўлган онахон боғлари ҳақида фахр билан гапиради:

– Турли хилдаги атиргуллар, юзга яқин мевали дарахтлар, ҳар хил узум навларини парвариш қиламан. Ортиқча гап-сўзлар билан ишим йўқ, ғийбат, суҳбатларга қўшилмайман. Боғда ишлаб ҳузур қиламан. Ниҳолларимнинг тупроғини ағдариб, ўғитлайман, буталайман, улар билан гаплашаман. Дўстим ҳам, дугонам ҳам шулар, – дейди онахон.

Тенгдошларига қараганда анча навқирон, ҳаракатчан, кўркам онахоннинг яшариб юриши сабаби меҳнатсеварлигидадир. Ҳовлининг бир четида биогомус кўпайтириляпти.

– Булар дарахт, гуллар, экинлар учун озуқа, ўзим тайёрлайман, – дейди онахон.

"Байналмилал" маҳалласи раиси Нодира Жўраева билан ичкарилаймиз. Саришта, саранжом, шинам хоналарда ҳам тувакдаги гуллар пешвоз чиқади. Онахон улар номини санай кетади. Қайбири қайси касалликка фойда эканини ҳам таъкидлайди.

Яна бир хона тузламалар, шарбат, мурабболар ёпилган банкаларга лиқ тўла. Қоғоз белбоғига нималиги ҳам ёзиб қўйилган.

– Невараларим келса еб-ичиб ҳузур қилади, маҳалладошларимга улашаман, ўзимнинг боғимда етиштирилган мевалардан тайёрланган, – дейди Мугалима опа.

Газлида туғилган бу аёл турмушга чиққач, бир муддат Украинада яшади. Икки ўғли туғилгач, болаларининг отаси оламдан ўтади.

Ота-онаси қийналиб қолиши мумкинлигини айтиб, юртга қайтишини илтимос қилади.

Юртга қайтгач, Мугалима "Газлинефтигаздобыча" корхонасида оператор бўлиб узоқ йиллар ишлайди. Фарзандлари улғайиб олий маълумот олади.

Маҳалла аҳли ўғиллари, келин, невараларининг оқибати, меҳрибонлигига ҳавас қилишади. Ўғилларининг бири Россияда, бири Газлида яшаса-да, қўнғироқ қилиб онасини йўқламаган куни йўқ.

– Менинг табиатга муҳаббатим, меҳнатларим ҳаётга бўлган иштиёқимни, умримни узайтиради. Боғимда ишлаб мазза қиламан, – дейди онахон.

Бошқирд миллатига мансуб Мугалима Игишева "Яшил макон" лойиҳаси ташаббускори ҳам.

Сўраганларга текинга ниҳол улашади. Улуғ ёшда ҳам тупроқни гуллатадиган шундай инсонлар бор экан, Ватан ҳаритасидаги сариқ рангда бериладиган чўллар ҳам бора-бора яшилликка ўтаверади.

Махфират АТОЕВА,
Бухоро вилояти мухбири

Ҳиям Ҳасун Али ал-Муфлиҳ – саудиялик адиба. "Ар-Риёз" газетасида ишлайди. "Унутилган хотира саҳифалари" ва "Ўғирланган ҳарфлар билан ёзиш" номли ҳикоялар тўплами билан нашр қилинган. 1998 йили араб дунёси миқёсида ўтказилган хотин-қизлар адабиёти танловида ғолибликни қўлга киритган. Ҳикоялари хорижий тилларга таржима қилинган.

АЁЛ

Ҳикоя

Онам мени туққанда уни ўраб турган чеҳралар ифодаси унга ғайритабиий "бир нарса" туққанини хабар қилгандай эди.

Эсимни танибманки, мен бор-йўғи қандайдир "бир нарса" эканлигимни англадим!

* * *

Мен бирор нарсага бўлган эҳтиёжимни билдириб йиғлаганимда... истагим амалга ошмас эди.

Менинг укам бирор нарсага бўлган эҳтиёжини билдириб йиғлаганида эса... бутун дунё унинг истагини амалга оширишга шошар эди. Ўшанда мен йиғи либосини ечдим.

Сўнг уни тахлаб онамнинг жавонига қўйдим.

* * *

Қалбимда узоқларда яратилган икки қанот пайдо бўлди.

Қўлларимда тунлар бедорлиги ва йиллар ҳорғинлиги билан безатилган "оппоқ саҳифа" жилваланарди.

Онамнинг лаблари қимирлаб, шивирлар эди.

– Қанийди, мана шу ютуқларни укангга берса эди.

Ҳарфлар чалишиб эриб кетади.

Саҳифадан қора ёшлар оқиб тушади.

Узоқларда яратилган қалбим эса "анқо"га дуч келади ва қанотлари синиб, қонланиб, ўзимга – кўкрак қафасимга қайтади!

* * *

Уй жиҳозлари вақти-вақти билан ярақлатиб артиб турилганидек, онам ҳам мени муайян кунларда "ярақлатиб" турар эди.

Аёллар кўплашиб "делегация" бўлиб келардилар.

Улар қадди-қоматимга тасаннолар айтар эдилар.

Бўйимни ўлчар эдилар, энимни ҳам.

Қадам ташлашимга разм солар эдилар.

Менинг ҳидимни ҳидлаб кўрар эдилар.

Нафас олишимни санар эдилар.

Сочларимни мақташни жойига қўяр эдилар.

Сўнг кетар эдилар!..

* * *

Тушимда у менга дердики:

– Қўлни қўлга бериб аҳдлашамиз, азизим, келажак ҳаётимизни қурамиз.

Тушимда мен унга дебман:

– Сен менинг туғилган онимсан!

Лекин...Мен буни сенга қандай қилиб айтаман?

Атрофимдаги мени ўраб турган барча нарсалар харитам белгиларини ўчириб юборар, худудларим остоналарини ўзгартирар ва улар менинг тўрт томоним фақат

шарқ, шарқ,шарқ...

эканлигини эслатар эди.

* * *

Мен уни кўришни хоҳладим...

Ҳатто у мени кўришни талаб қилмаса ҳам.

– Қандай шармандалик... овозингни ўчир, ҳой қиз! Уни сен фақат никоҳ кечаси кўрасан!

Қалбимда аланга олган ёнғин... умр орзулари... ҳиссиёт шалолалари... кичик сирларим...

Мен буларнинг ҳаммасини нотаниш, ҳеч қандай белгилари йўқ бир эркакка очиш учун қалбимда сақлайманми?!

– Биз ҳаммамиз мана шундай турмушга чиққанмиз. Сен ҳам кўзларингни чирт юмгин-да, бўлди!

Юмилган кўзларим ичида ҳалокатли қоп-қора қоронғулик, уни ой ҳам ёрита олмайди, унда юлдузлар ҳам рақсга тушмайди.

Қалб тубида ёнган савол жўш уради:

– Наҳотки, мен бутун умр кўзларимни юмганча қолишга мажбур сўлсам?

* * *

Кўз ёш томчиларимни битта-битталаб ютаман!

Ўқдек қатл этувчи сўзларидан қалбим ғалвирдек илма-тешик бўлади, унинг огоҳлантиришлари тегирмонида аёллигим латофати ундай янчилиб кетади:

– Агар сен шу ой ҳам ҳомиладор бўлмасанг, мен ой охирида уйланаман!

Мен Худога сажда қиламан, эримга бўйсунаман. У ҳар сафар онасини зиёрат қилиб, "қизил ўқ"ларини жамлаб қайтгач, менинг руҳимдан кўринмас қонлар оқади.

* * *

Қоғоз пулларнинг ҳаётбахш ҳиди бор, агар ўша пуллар пешона тери меҳнатимиз эвазига ишлаб топилган пуллар бўлса!

Биринчи луқмаи ҳалолнинг таъмини кутиб, оғиз очиб, қаерга сарф қилиш керагу, қаерга сарф қилиш керак эмаслигини режалаштиришда ақл шошади.

– Маошингни менга бер! Сенга ҳам, бу уйга ҳам мен пул сарфлайман!

Шахсий эҳтиёжим учун керак бўлган маблағни олиш учун қўл чўзганимдаги хўрлик тенглашади, фарқи йўқ – бу унинг маошиданми ёки менинг ўз маошимданми.

Шунинг учун ишдан бўшадим!

* * *

Турли хил ранглар ўрмони кўз ўнгимда жилваланади.

Мен улар ичидан ўзимга кийиш учун кийим қидирдим.

Буниси мен учун тор...

Бунинг ранги жуда ҳам ялтироқ, дарров кўзга ташланади, мен ундай эмасман.

Бу мени ёшартириб кўрсатади... менинг қалбим қари, кекса.

Бу эса виқорлик ва муҳимликни ялангочлайди. Менинг ичим бўм-бўш.

Мана буни... эрим мен учун сотиб олди, у онахонларга, уй бекаларига, хонадон асираларига ва талабга қараб чақириладиган сийқа хотинларга муносиб.

Мен уни кийдим.

Эрим эса юзини телевизор томонга буриб олди!

* * *

Шимолий қутб уйимда маскан топган.

Мен у билан нон-туз ейман. Мен у билан сув ичаман.

Мен у билан ухлайман. У билан суҳбатлашишни хоҳласам, сукунатли чўққиларининг совуқлиги мени чақириб олади.

Менга ҳам сукунат ва музлик неъмати келишини тилаб, ўз-ўзим билан кифояланаман.

* * *

Уйим сахросида ўғил болам чирқиллайди.

Мақтов ёрлиқлари, розилик медаллари, табрик ва муҳаббат қоғозлари мени бундай ажойиб ютуқ билан қутлаб ҳар томондан ёғилади.

Алоҳида эътибор билан мени ўраб оладилар, бундай эътибор ҳиссиётимнинг бир қисмини эритиб юборади.

Турли-туман овқатлар: "Ўғил болага фойдаси бор!"

Турли-туман насиҳатлар: "Ўғил болага фойдаси бор!"

Пул ҳам сахийлик билан ошиб-тошади: "Ўғил боланинг манфаати учун!"

Мен шунда ҳар куни ўғил туғишни хоҳладим.

Уларнинг дунёга келиши ёритган доира ичида бўлиш учун, эҳтимол. Шунда уларнинг онаси сифатида, уларни ўз танида кўтариб юрган инсон сифатида уларнинг юлдузлари ёруғидан менга ҳам нимадир насиб қилиб қолар!

* * *

Болаларимнинг икки хизматкори бор. Бири ёлланган, маош эвазига, иккинчиси бепул.

Уларнинг қуруқ буйруқомуз чақирувлари тинмайди.

Мен ва болаларим ўртасида ўзим орзу қилган меҳр тўрларини тўқишга ҳаракат қилдим.

Бироқ "руҳ" қуши уларнинг "аслидан нусха" – оталарининг чангаллари каби бўлишини хоҳлади.

* * *

Мен қизимни туққанимда мени ўраб турган чеҳралар ифодаси менга хоҳланмаган "бир нарса" туққанимни хабар қилгандай эди.

Қизим эсини таниганида, у бор-йўғи қандайдир "бир нарса" эканлигини англамаслигини умид қиламан! У мен каби эмас, инсондек яшашини истайман, бахтли бўлишига умид қиламан!

Араб тилидан

Муртазо Сайдумаров таржимаси

Бахт садолари

Ақидахон Олимжоновага бир куни отаси мўъжазгина дуторча совға қилди. Бу шунчаки бир чолғу асбоби эмас, гўё юрагига боғланган бир мўъжиза эди. У ҳар куни дуторни қўлига олиб, меҳр билан торларни чертар, дутордан ўз туйғуларига жавоб кутарди.

У Учқўрғондаги 12-сонли мусиқа ва санъат мактабида устозлари Санобар Мирзамова, Сайёра Аҳмадовалардан ижро сирларини ўрганди. Изланувчан қизча ҳар бир чалган куй оҳангларидан ўзини, юрагини, руҳиятини топгандек бўларди. Ҳар куни муттасил машқ қилиш, куйларнинг туб маъносини тушуниш унга дуторчилик сирларини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам берди.

Бугун у Наманган ихтисослашган санъат мактабида ўқишда давом этмоқда. Энди унинг мақсади фақат ўзи учун эмас, балки келажак авлод учун ижод қилиш, ёш дуторчиларни тарбиялаш, миллий мусиқамизни янада юксак поғоналарга олиб чиқишдир.

Ёш санъаткор илк бор халқаро танлов доирасида саҳнага чиққанида ҳаяжонланмаган десак, ҳақиқатдан йироқ бўлади. Ақидахон кетма-кет танловларда иштирок этди, ҳар бир чиқиши унга янги илҳом, янги маҳорат бағишлади. “American dream” халқаро танловида, Беш ташаббус олимпиадаси доирасида ўтказилган “Миллий ва замонавий чолғу ижрочилиги” бўйича республика босқичида, “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалида, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган “Паруса Надежди” халқаро танловида, Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Ташкент Мюзик” ва “Ташкент гранд фестивали” халқаро фестивалларида, Дубай шаҳрида ўтказилган “Arabian music festival” халқаро танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. У энди шунчаки ёш дуторчининг эмас, балки чинакам санъаткор бўлиш йўлида бораётганини ҳис қилар эди.

Ва ниҳоят, унинг йиллар давомида қилган меҳнати ўз самарасини берди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганини эшитган кун юраги беқиёс ҳаяжонга тўлди. Бу нафақат унинг ютуғи, балки ота-онасининг, устозларининг, тенгдошларининг фахри эди.

Дуторнинг хуш наволари янграр экан, кўз ўнгимизда Ақидахон бораётган нурли йўл намоён бўлади. Зеро, санъатни қадрлаган юрт фарзандлари эртага ушбу бахт йўлининг чин эгаларига айланади.

Жаҳонгир ТЎХТАСИНОВ,
Наманган вилояти

Бизнинг Моҳинур

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан жорий йилда адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлган Моҳинур Сотволдиева юртимизнинг изланувчан, ташаббускор, фидойи ва ижодкор ёшларидан биридир. У мактабда ўқиб юрган даврларидаёқ ўзининг табиат гўзалликлари, она юрт ҳақидаги чиройли шеърлари, кичик ҳикоя, лавҳа ва қатралари билан матбуот нашрларида фаол иштирок этиб, устозлар эътирофига сазовор бўлган. Қатор ижодий танловларда, фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган. Унинг “Бир ғунча очилгунча” номли шеърий тўплами чоп этилган. 2022 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг анъанавий “Зомин семинари”да бадиий таржима йўналиши бўйича минтақавий ҳамда республика босқичида фаол иштирок этиб, сертификат билан тақдирланган. Юртимиз иқтидорли ёшларининг “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” деб номланган ёшлар баёзига унинг таржима ҳикоялари киритилган.

Халқаро ҳамкорлик доирасида унинг “Lullabies” (“Алла”) деб номланган ўқув қўлланмаси Германия давлатининг “Lap Lambert” нашриёти томонидан немис, инглиз, рус, француз, итальян, индонез ва португал тилларига таржима қилиниб, чоп этилган. Ҳозирда у филология фанлари доктори, профессор Ғулноз Халлиева раҳбарлигида “Жаҳон адабиётида ота образи поэтикаси” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон хотин-қизлар ҳаётининг кўзгуси бўлган “Саодат” журналининг Андижон вилояти мухбири сифатида вилоят аёллари ҳаёти, фаолиятидан эътиборга молик мақолалар ёзади.

Моҳинур бахтли оила бекаси, ширин-дан-шакар икки фарзанднинг онаси бўлишига қарамай, ижод, илмий изланишларни давом эттираётганлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Унинг дилидаги ниятлари, албатта, ижобат бўлади. Чунки қалбида ғайрат, шижоат, интилиш бор, она Ватанга муҳаббат, садоқат, эртанги кунга ишонч ва умид туйғулари жўш урмоқда.

ТАҲРИРИЯТ

ТЕКИН КАЛЕНДАРЬ

Ҳажвий ҳикоя

Биз аёлларни пулга, молу давлатга ўч бўлишади, дарди-хаёли кийим-кечак, олтин-кумушда деб ўйлашади. Кимлар ўйлашади дейсизми? Албатта, эркаклар-да! Ахир, биз – аёллар, уларнинг дарди-хаёли аёлларда, кўчаларда кўзлари олма-кесак териб юради демаяпмиз-ку! Туҳмат балосидан ўзинг асра-я! Хўш, пулга ўч бўлсак нима қилибди? Нима биз йиғиб-йиғиб, мол-дунёмизни бировга олиб бориб берармидик? Албатта, оиламиз равнақи учун сарфлаймиз-да. Айнан, қачондир бир куни бекларимиз пулга зориқиб, кўзлари мўлтиллааб қолганида, худди осмондан чалпак ёққандек “тап” этиб кафтига тушиб турибди-да. Яхшими? Аста айтасизми, жудаям аъло-да! Шундай ажойиб дамларда тилла тароқ топган калдек, афтингизга меҳр-муҳаббат билан (майли энди розимиз сохтароқ бўлса ҳам) термулишини айтмайсизми!

Шундай экан, нега пул сўрасак қизғанишади? А, лаббай? Эллик фоизини сарфлаб юборамиз? Бу нима деганингиз, ўзингиз воқеанинг гувоҳи бўлиб турибсиз-ку. Хўп, майли, жудаям ёлғон бўлмасин, 30-35 фоизларини ишлатамиз-да! Саволингизни қаранг-а, қизиқмисиз, ўзимизнинг маошимиз йўлкирадан, тушлигимиздан ортмайди-ю, пардоз-андоз, кийим-кечак, тақинчоқ, гап-гаштагимизга етармиди? Қолаверса, барака топкур бекларнинг топгани баракали ҳам бўлади-да. Бизнинг топганимиз-чи, сувдек оқади-кетади. Хуллас, не қилсак ҳам, оиламиз бюджетини ўйлаймиз. Зерикиб, валақлашишга одам тополмай турганимда дуч келиб қолдингиз, шунга асл ҳикоям қолиб, қаерларга ўтлаб кетибман, қаранг.

Шу десангиз, бундан уч ё тўрт кун олдин бегимиздан пул ундиришга жуда ажойиб имконият туғилиб қолди. Бу жуда бир қизиқ ҳоконият туғилиб қолди. Бу жуда бир қизиқ ҳоконият латда юз берди. Чунки хаёлимда пулнинг “п” ҳарфи ҳам йўқ эди. Кеч қолдим деб, ишдан қайта солиб, манти тайёрлашга киришиб кетгандим. Таом кечикса, жаҳли чиқиб нақд олов пуркайдиган аждаҳонинг ўзига айланишини ўйлаганим сари янада шошилиб, иккита қўлим саккизта бўлиб савқи табиий тезлик билан ҳаракатланаётган эдим. Шу маҳал тепамда меҳрлигина овоз янграб қолди-ку.

– Бу сенга! Ол!

– Нима бу? – дедим найча қилиб ўралган қалингина шойисифат аллақандай қоғозга тааажжубланиб қараганимча.

– Календарь, – деди у бепарвогина. – Мен кийимимни алиштириб келай!

Бек кийимини алиштириб келгунларича, биз таомимизни аллақачон оловга қўйиб, ошхонамиз ва қўлларимизни ярақлатиб, “календар”имизни ошхона столи устига ёйиб ўтирардик-да!

– Нима бу? Йўқ, адашдим, ким бу?! – шунақа вишилладимки, бекнинг ранги оқарди. Ёки менга шундай туюлдимикин? Лекин, негадир, довдирамади. Бепарвогина: – Нима бўларди календарь! Ишхонамизда газетага қўшиб беришди. Олавердим. Овқатинг пишдими? – деди.

– Гапни айлантирманг! Манави сузилиб турган офатижон ким!? – ҳайқирдим.

– Мен қайдан билай? Жинни бўлдингми?

– Билмасангиз ҳам танлааб олибсиз-ку. Нега айнан шуниси ёқди-а? А,бу календарь ўл-

гурни ҳар хил табиат манзаралиси, гуллар тасвири туширилгани бўларди. Нега айнан шу қизни танладингиз? Кўз-қоши ёқдими-а? Ҳаа, биламан, сизга унинг ясама киприклари ёққан! Яқиндагина, менга: "Шу вақтгача қарамаган эканман, киприкларинг олдиндан йўқмиди?" – деб масхара қилгандингиз. "Сочинг оқарибди, бўятиб кел", деган ҳам сиз эдингиз. Оҳ, онажоним-аа, ёнимда бўлганингизда дардларимни айтардимаа! – деб ариллай бошладим. Бек аввал кулгуга олди. (Кўп ҳазил қилавериб, ҳазилим билан чинимни ажратолмай қолган бечора.) Кейин қараса вазият жиддий.

– Қўйсанг-чи, бирда-иккида аёлларнинг расмини кўтариб юрибмидим. Ўзлари газетага қўшиб беришди, олиб келавердим.

– Керак бўлса мен ҳам шу актрисадек чиройли бўла оламан. Уйда ош-овқат, ишда беморлардан ортмасам!

– Қўйсанг-чи, пардозсиз ҳам яхшисан.

– Йўқ, мен ҳам гўзаллик салонларида кўпроқ вақт ўтказишни, қимматбаҳо кийимлар олишни истайман!

– Майли, кел, овқатланайлик!

Қарасам, жимгина қўлимдан сирғалиб чиқиб кетмоқчи олтин балиғим. Бунақаси кетмайди.

– Билиб, сезиб турибман, сизни барибир шу нозланиб турган ойимтиллага ҳавасингиз кетган. Уйдаги бепардоз, эски кийимдаги, камига усти-бошидан овқат ҳиди анқиб турган хотинингизни кўз олдингизга келтириб, афсус чеккансиз!

– Бўлди-да энди, қон қилдинг-ку. Нима истайсан мендан?

– Пардозим ва кийимимга пул беринг! Эртагаёқ манавинингизданам гўзалроқ маликага айланиб келмасамми!

– Мана ол, олдинроқ айтмайсанми шу муддаоингни.

– Бу кам, яна беринг!

– Мана, бу – охиргиси, бошқа умид қилма! Овқатни суз!

Билганингиздек, бир ҳафтага яқинлашиб қолдики, ошхонам деворидан жой олиб, анави календардан боқиб турган гўзал жонон билан биргаликда бегимиздан пул ундирамиз. Воой, очкўз, виждонсиз аёл экан деманг, барча хазина оила равнақи йўлида ишлатилади. Бир тийинига хиёнат қилмаймиз. Оозгина фоиз ушлаб қоламиз, холос!

– Нима овқат пиширдинг, онаси? – Ошхона эшигидан унинг алпдек гавдаси кўринади.

– Йўўқ, мен эмас, манави гўзалингиз тайёрлаган. Сўранг, ундан сўранг! Сузилиб таом узатади. Киприкларини пириллатиб чой тутади. Мен бечорагина бир жулдур кийимли чўри бўлсам!

– Уфф, мана бу энг охиргиси, бошқа пулим қолмади, онаси. Сен эртага пардоз-андозинг, кийим-кечагингни қилиб кел-да, кечга овқат қилма, жой айттириб қўйганман. Биир ёшликни эслашайлик!

– Ие, эртага "чойхона"нгиз бор эмасмиди? – таажжубдаман, жонидан кечса кечиб кетардики, чойхона ва футбол деса асфаласофилинга ҳам калла ташлаб юборардилар-ку!

– Йўқ, қолдирилди. Маош олгач, ўтирадиган бўлдик.

– Нечук!

– Қолганлар ҳам "текин календарь" олишган, хотин...

Мастура АБДУРАИМ қизи

ЯЛПИЗЛИ САЛАТЛАР

Зукко момоларимиз, жонкуяр оналаримиз илигузилди мавсумида оила аъзолари учун дармондориларга бой салатлар ва таомлар тайёрлаб беришга ҳаракат қилишади. Бугунги саҳифамизда улар тавсия этган ялпиз япроқлари қўшиб тайёрланадиган салатларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Помидорли салат

Керакли масаллиқлар: 500 грамм помидор, бир бош қизил пиёз, бир дона қизил булғор қалампири, ярим боғ ялпиз, яримта лимон шарбати, 3 ошқошиқ зайтун мойи, таъбга кўра туз ва мурч.

Тайёрланиши: Помидор ва ялпиз солиб тайёрланадиган салат, умуман ўзгача таъмга эга бўлиб, бир марта татиб кўрсангиз яна тановул қилгингиз келаверади. Ушбу салатга табиий сабзавотлар солингани учун жуда фойдали.

Помидорларни ювиб, ўртача катталикда тўғраб оламиз. Пиёзларни ҳалқасимон қилиб кесиб, туз сепамиз ва беш дақиқага қолдирамиз. Булғор қалампирини паррак ёки ярим ҳалқа қилиб, ялпизни эса майдалаб тўғраймиз. Тўғралган сабзавотларни помидор устидан терамиз. Лимон шарбати, зайтун ёғи, таъбга кўра туз ва мурчни ҳам ушбу аралашмага қўшамиз.



Пишлоқли салат

Керакли масаллиқлар: 2 дона пушти помидор, 2 дона бодринг, 150 грамм қаттиқ пишлоқ, лимон шарбати, таъбга кўра туз, зайтун мойи ва ялпиз.

Тайёрланиши: Бодринг ва помидорни бўлакларга бўлиб, пишлоқни кубик шаклида тўғраб оламиз. Тўғралган сабзавотлар ва пишлоқ устига туз, зайтун мойи, лимон шарбати, тўғралган ялпиз япроқларини солиб аралаштирамиз. Бу салат ҳам илигузилди мавсумида таомномангиздан ўрин олишига ишонамиз.

Ловияли салат

Керакли масаллиқлар: 200 грамм пиширилган ёки консервалланган ловия, бир бош пиёз, аччиқ қалампир, зайтун мойи, олма сиркаси, ялпиз япроқлари.

Тайёрланиши: Хушбўй ялпизли салатнинг навбатдагисини тайёрлаш учун консервалланган ловиядан фойдалансангиз ҳам бўлади. Ловияни идишга солиб, яримой шаклида тўғралган пиёз, майда тўғралган ва қовурилган қалампир билан аралаштиринг. Аралашмага зайтун мойи ва олма сиркасидан қўшинг. Салат бир неча соат турса янада мазали бўлади.

Дилсора тайёрлади.

САОДАТ

100 Саодат

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнали
1925 йилдан чиқа бошлаган
3-сон (960) 2025 йил
МУАССИС:
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
БОШ МУҲАРРИР:
Мунаввара УСМОНОВА
Жамоатчилик кенгаши:
Танзила НАРБАЕВА
Зулайҳо МАҲКАМОВА
Раъно ТУРДИБОЕВА
Дилбар ҒУЛОМОВА
Мукаррам Нурматова
Муножат ЙЎЛЧИЕВА
Озода ПАРПИБОЕВА
Ғулистон МАТЁҚУБОВА
Саодат БОЙМИРЗАЕВА

Ушбу сонда:

1 **З.Маҳкамова**
Эҳтиром

6 **Суянч тоғларим**
Наргиза Асадова
Биринчи чизган суратим онам эди

12 **Умрлар ибрати**
Муҳиба Ҳамидова
Ҳўқанди латифнинг азизлари

22 **Наср**
Шаҳло Тошбекова
Овсинлар

25 **Оила боғи**
Махфират Атоева
Тафаннат шайдоси

"Саодат" журнали ҳар ойда манзилга етиб боришида муаммолар пайдо бўлса ёки журналда чоп этилган материаллар ҳақида фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилинг. Биз учун фикрларингиз қадрли, кутамиз.

(93) 555-49-09, (94) 042-34-56

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Феруза ОРИПОВА

Масъул котиб:
Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Масъул муҳаррир
Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА

Мусаҳҳиҳ:
Маҳсума ЭРГАШЕВА

Саҳифаловчи-дизайнер:
Хосият ҲАКИМОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани М.Исмоилий Г-1.
Веб сайт: saodatjurnali.uz

ISSN 2010-541X.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 5 январда 8831-рақам билан рўйхатга олинган.

"ALDIN GROUP" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Нашр индекси – 867.
Буюртма – 3/25
Адади **2900** нусхада босилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Ҳажми – 5,75 табоқ
Баҳоси келишилган нархда.

www.saodatjurnali.uz